




HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 30-sentabr, 2009-yil • №42-43 (644) • 1996-yil dekabr dan chiqa. boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

БЕШАК БИЛИНГ, БУ ДУНЁ...



Шарқ оламининг улуг сиймоларидан бири, буюк мутасаввуф, Мир Алишер Навоий таъбири билан айтганда ислом дунёсининг «шайхул машоихи» Аҳмад Ясавий таълимотига, унинг ҳикматларига йиллар, асрлар ўтса-да, қизиқиш кучайса кучаймоқдаки, асло сусаймайди.

6-бет

“ДРАМАТУРГИЯДА ЁШ ДРАМАТУРГ БЎЛМАЙДИ”



Ўзим ҳам биринчи пьесамни 30 ёшимда ёзганман. Шунинг учун асарларини театр-га тақдим этишга журъат топган ижодкорларга ёш деб баҳо бермасликларини хоҳлардим. Улардан айна пайтда инсонни камолотга етказадиган пухта асарларни куттиш керак.

15-бет

НАВОИЙ ҲАМ ЭЪЗОЗЛАГАН СИЗНИ



Ватан сўзини ёзиб кўрсатган, киндик қонинг томган муқаддас тупроқ бу дунёда энг табарруқ жой эканини таъкидлаган, юрт тупроғида ўсган ҳар бир гиёҳ, ҳар бир ниҳол ҳам жон қадар азизлигини уқтирган бу муаллимдир.

16-бет

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар! Қадрли устозлар! Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг — кўз нури ва қалб кўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Хурматли ватандошлар! Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуг ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, гурур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан ҳам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуг ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди.

Утган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чехраси обод бўлаётганини, иқтисодий-ётишимиз янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланиётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кўзатиб, диёримизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш кераки, биз ўз мақсадларимизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил энгил-елпи маслаҳат ва зугумларга берилмасдан, вазминлик ва қатиъят билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Авваламбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келажак авлодидин манфаатлари йўлида оқилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгилашни ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Мухтасар айтганда, қонунийлик тизими бўладими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий ва худудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиладиган, замонавий тараққиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиёсий-иқтисодий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмаларнинг тўлақонли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олдимизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлаётганини, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг — минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежаларимизда, олий ўқув юртиларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва довлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлигингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданок ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умум-миллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни яқинга етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганамиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни олиб келишни ўринли деб биламан.

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури дои-

расида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробардан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуқсиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-ҳунар коллежалари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига алоҳида ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-ҳунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ ва яқин кўшилларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган бекиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам дўстлар! Ана шундай байрам кунларида биз мустақиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга ҳолисона баҳо берадиган эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясини, ижтимоий фаолиятининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шартини ва гарови бўлмиш бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-гайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу ҳулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инкироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизда айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айна пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, меннинг энг яқин маслақдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуг байрамимиз билан яна бир бор таъриқлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Мунис муаллимлар, сизга ташаккур

Кеча — 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 сентябрдаги Фармонида биноан Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртва муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.


Анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳридаги 154-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Насиба Очилова, Республика Маъна-

ят тарғибот маркази раҳбари Минхожиддин Ҳожиमतов, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиiddин Сайид таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимини тубдан ислоҳ этиш йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар келажакимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аجدодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини алоҳида таъкид-

ладилар. Шунингдек, тадбир давомида «2009 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ғолибларига эсдалик совгалари топширилди. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Сурат муаллифи Азло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)

КАНАДА САММИТГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ



Канада бош вазири Стивен Харпер 2010 йилда унинг мамлакатини нафақат «катта саккизлик» давлатлари, балки «катта йигирмалик» мамлакатлари саммитига ҳам мезбонлик қилишини расман эълон қилди.

Таъкидлаш лозимки, «катта йигирмалик» давлатлари раҳбарларининг йиллик анъанавий учра-

“HURRIYAT” — СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМ

Ёшлигимдан турли газета ва журналларни ўқишга қизиқардим, чунки дерам ишдан қайтишларида ўзлари билан уч-тўртта газета кўтариб келарди. Йиллар ўтгани сайин газета менга нондай азиз неъмат бўлиб қолди. Уларда эълон қилинган энг сўнгги янгиликлар, қизиқарли сўхбатлар, таҳлилий мақолаларни ўқиб, бир олам завққа тўлардим. Дарслик ва ўқув адабиётларида учрамайдиган маълумотларни нашрларда топардим. Ушанда турли-туман мақолалар ёзадиган журналистларга ҳавасим ортиди, бу касбга меҳр қўйдим.

Еттинчи синфдан бошлаб, ҳар йилнинг сўнгги чорағида мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари обуна учун тегишли миқдорда маблағ йиғиб, турли нашрларга жамоа тарзида обуна бўлардик. Газета йиғмалари янги қурилган лицейимизнинг ҳашаматли кутубхонасида сақланар эди. Мен бундан тўғрида дегунча «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Hurriyat» ва «Гулчехралар» каби марказий газеталар, шунингдек, вилоятимизнинг «Қашқадарё», Шаҳрисабз туманининг «Кеш» нашрларини битта қолдир-

Азиз ва мўътабар касб

Тарбиячи. Ҳуқуқчи. Устоз. Мураббий. Бу сўзларнинг ҳар бири ўз маъно-моҳиятига эга бўлса-да, уларнинг асосий мазмуни яна битта калом — Муаллим атамасида мужассам.

Халқимиз томонидан Муаллим аталмиш қутлуг унвонга сазовор бўлган мўътабар инсонларнинг касб байрамлари мустақил юртимизда умумхалқ тантанаси сифатида нишонланиши анъана тусига кирганига ўн уч йил бўляпти.

Бу бежиз эмас. Халқнинг умумий саводхонлиги бўйича жаҳондаги мамлакатларнинг рўйхати тузилиб, ўрни бегиланганми, йўқми, биллолмадим. Лекин агар шундай маълумотнома мавжуд бўлса, Ўзбекистоннинг энг юқоридан жой олиши шубҳасиздир. Боиси, диёримизда мактаб кўрмаган, ҳарф танимаган бирорта кишининг топилиши амри маҳол.

Шу жиҳатдан олганда мамлакатимизни тўлиғича маърифат маскани, маънавияти юксак миллатнинг Ватани, десак асло муболага бўлмайди. Бу эса айнан Муаллим, дея эъзозланмиш ўн минглаб бағрикенг, саховатли, заҳматқаш, фидойи зотларнинг меҳнати самарасидир.

“Олимлар — пайгамбарларнинг меросхўридир”, дейилади Ҳадиси шарифда. Бу улуг ҳикматнинг айтилганига қарийб бир ярим минг йил бўляпти. Уша даврларда олим дейилганда таълим билимга эга бўлган, ислом дини қоидаларини мукаммал эгаллаб, авом халқнинг саволларига жавоб беришга, тўғри йўлга бошлашга қодир бўлган илм соҳиблари назарда тутилган бўлса ажаб эмас. Зеро, Аллоҳ таоло томонидан пайгамбарлар зиммасига инсонларни маънавий-ахлоқий камолотининг тўғри йўлига бошлаш топширилган бўлса, олим-у уламолар чекига эса маърифат машъалини баланд кўтариб, бу йўлларни замонлар оша ёритиб боришдек шарафли вазифа тушган. Бир сўз билан айтганда, муаллимлар ана шундай улуг мақомга мушарраф кўрилган зотлардир.

Муаллим ўз сурати ва сийратиди шундай олижаноб хислатлари мужассам этганки, унинг ҳар бир қиррасини мушоахада эта туриб, беихтиёр ҳайратга тушасан киши. Бу хислатлардан биринчиси, дарёдиллик ёки бағрикенгликдир. Масалан, дехқон бирор экинни экиш олдида уруғ ёки кўчатни саралайди, навини танлайди, иқлим ва тупроқ шароитига мос

ёки мос эмаслигини чамалаб кўради.

Хунарманд бирор буюмни ясаш олдида ишлатиладиган хомашёларнинг сифатини, хусусиятини инобатга олади, қайси бирини қай тарзда ишлатишни режалаштиради.

Муаллим эса ҳеч қачон болаларни танламайди, буни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Фель-атвори турли-туман ота-оналарнинг ҳар хил оилавий шароитида ўсган, ўша муҳит таъсирида ихобий ёки салбий хусусиятлар характериға синга бошлаган ола-кура характери болаларнинг ҳаммасини ўйланмай, иккиланмай ўз бағрига олади ва ҳаммасини бир кўз билан кўради, бир кўнгил билан тарбиялашга бел боғлайди.

Ота-она — улуг, фарзандни дунёга келтирган, жону жаҳонини бахшида қилиб, тарбият этаётган бу инсонларнинг меҳнати шу йўлда чеккан машаққат ва меҳнати унча-мунча таърифга сиймайди, албатта. Аммо ҳар қандай ота-она ҳам умр бўйи (миллатимизнинг болажонлик хусусиятидан келиб чиққанда) кўпи билан ўн-ўн беш болани тарбиялайди. Битта муаллимнинг меҳри ва мурувватидан баҳраманд бўлган ўғил-қизларнинг сони эса бир неча мингга ташкил этади.

Фель-атвори, тушунчаси, ақлий қобилияти, билимга иштиёқи турлича бўлган, бир-бирига ўхшамайдиган жажжи кичкин-тойларнинг ўттиз-қирқтасини бир синфга жамлаб, ҳам илм сирларини ўргатиш, ҳам комил инсонлик йўлига бошлаш қанча куч-қувват, сабр-бардош, сабот ва ирода талаб қилиши тасаввурга сиймайди. Қизиги шундаки, ўз фарзандининг эркалиги ва танқидигидан безор бўлган айрим ота-оналар ҳам нажотни мактабдан, муаллимдан кутади. Хатто беодоблик қилса, “Мактабнинг нима ни ўргатишган, муаллимнинг ким ўзи?” дея ёзгиришганини ҳам кўп кўрганми.

Адибларни “инсон руҳининг муҳандислари” деб аташ тао-

милга кириб қолган. Аслида эса бу ибора бутун мазмун-моҳияти билан айнан муаллимларга ҳам мос келади. Унлаб болаларнинг қалбига кириш, кўнгил кечинмаларини, орзу ва интилишларини, фельдаги ўрганишларни ўз вақтида пайқаб, шунга яраша муносабатда бўлиш ва ҳаётнинг равои йўлига тушишига кўмаклашиш аслида унча-мунча ёзувчи ёки шоирнинг қўлидан келмайди. Аммо ўқитувчиларнинг аксарият

аммо содда кўзларига танитган биринчи ҳарфи мурғак кўнгил излаётган, интилаётган сирли боғнинг дарвозасини кўрсатаётган илк йўл кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладик, бу хизматнинг бир умрга етадиган қадр-қимматини ўлчаш ва баҳолаш учун қанақа тошу тарози даркорлиги ақл ожизлик қиладик.

Зеро, само сирларини очган олимнинг улуг кашфиётлар сари илк қадами мурғаклигида дафтарнинг биринчи саҳифасига



қўлчилиги бунинг уддасидан чиқишга қодирдир.

Муаллимни заҳматқаш ва фидойи инсон дедик. Бу муболага эмас. Одатда деярили барча касб эгаларининг меҳнат фаолияти ишонаси доирасида чегараланади. Ким қайси соҳада қанча кўп тер тўғмасин, ишини тугаллагандан сўнгра барча ташвишлари ўша жойда қолади. Дехқон даласидан, ишчи корхонасидан, хизматчи идорасидан чиқиши билан ўзини эркин қўшқдек ҳис этади. Ҳуқуқчи эса юмушининг тенг ярмини уйига орқалаб келади — янги дарсга тайёрланиш, сабоғига куч ва жозиба бахш этадиган қўшимча адабиётларни varaқлаш, ёзма ишларни текшириш жараёни уй-рўзғори учун аталган вақтини олса-да, у бунинг ҳам азоб эмас, шараф ва бурч, деб билади. Дарсхонада берган билимидан болаларнинг кўзлари чарақлаб, диллари ёришганда тортган барча машаққати эсдан чиқиб кетади.

Бу муҳтарам зотнинг бола-кайининг жажжи бармоқлар қовушмаган нўноқ кўлларига туган биринчи қалами, тийрак,

қалтироқ қўл билан ёзилган “1” рақамининг қинғир-қийшиқ шаклидан, дунёга шоҳ асарларини тақдим ато этган шоиру шуаронинг камолати эса оддийгина “А” ҳарфининг ўзига унча ўхшамас суратидан бошланмайди, ахир?

Муаллим зоти инсоний камтарлиқнинг энг олий намунасидир. У ҳеч қачон ҳеч қимдан меҳнатига яраша иззат-ҳурмат, обрў-этибор талаб қилмайди. Шогирдларининг парвозини кўрганда боши осмонга етади. Лекин улардан бирортаси бирор юксак мартаба эгаси бўлса, ҳузурига таъма билан қадам босмайди. Ноилоҳ вазиятга тушганда, илтимос билан йўқлаши ҳам мумкин, шунда ҳам қилган меҳнатларини миннат ва рўқач қилмайди. Мабодо, бирорта шогирди беоқибат чиқса, ортидан ёзғириб ҳам юрмайди, давраларда гийбатини ҳам қилмайди, аксинча ўзгаларнинг иғволаридан ҳимоя қиладик. Шу аснода камтарлик ва мардик бирлашиб, муаллимга шараф келтиради.

Албатта, муаллимнинг фазилатлари, ибратли хислатлари,

жамият олдидаги буюк ва бетакрор хизматларининг таъриф ва тавсифини битта мақолага сийғдириш мушкул вазифа. Ўзларининг бутун умрини шу шарафли касбга бағишлаган юзлаб ва минглаб устозларнинг ҳар бирининг фаолияти ҳусусида алоҳида-алоҳида китоб битилса ҳам камлик қиладик.

Кези келганда шунинг ҳам айтиш керакки, устозлик асли халқимизнинг қониди бор хислат. Илмий ва адабий мерослари асрлар оша етиб келган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиновий, Абдуҳалиқ Фихрдуновий, Баҳовуддин Навоий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур сингари улуг сиймоларнинг тарих саҳнасида пайдо бўлиб, фан ва маданиятнинг ёрқин юлдизига айланиши ҳам халқимиз қониди маърифатга азалий ташналик ва ошноликнинг буюк самараси бўлиши билан биргалликда ўша замонлардаёқ муаллимлик касбининг этагини тутган азиз инсонлар меҳнатининг мевасидир. Не тонгики, бу муҳтарам зотларнинг ўзлари ҳам бизнинг кўзимиз илгамас замонлардан бери бутун башариётга илм-фаннинг ўнлаб соҳалари бўйича муаллимлик хизматини адо этиб келмоқда.

Таълим-тарбия тизимининг барча масъулияти ва машаққатини зиммасига олган табаррук инсонларнинг қадр-қиммати миллий истиқлол шарофати туйғули янада юксалди, улар жамиятимиздаги энг мўътабар ва хурматли кишиларга айланди. Мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юрталаридаги минг-миглаб эл фарзандларининг маънавий ва маърифий камолотини зиммасига олиб, озод юртининг озод фуқаролари, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар қилиб етиштиришни зиммасига олиб, замонавий миллий кадрларнинг улугвор қўшинини тарбиялаётган, яъни ўз бурчини шараф билан адо этаётган ўн минглаб муаллимлар ўз меҳнатлари билан келажак буюк давлатнинг пойдеворини мустаҳкам қилиб яратишга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Бахтиёр РИЗО



Ҳуқуқ билимдонлари беллашуви

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Ўзбек миллий академик драма театрида “Ҳуқуқ билимдонлари” кўвноклар ва зукколар республика беллашувининг худудларо босқичи ўтказилди. Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Беллашуларда Тошкент вилоятининг “Адолат” гуруҳи, Сирдарё вилоятининг “Еш ҳуқуқшунослар” ҳамда Тошкент шаҳрининг “Еш ҳуқуқшунослар” гуруҳлари ўзaro куч синашди. Унда Тошкент шаҳрининг “Еш ҳуқуқшунослар” гуруҳи голибликини қўлга киритди. Голиб ва иштирокчилар Адлия вазирлигининг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари, шунингдек, ҳуқуқий адабиётлар билан тақдирланди.

Беллашувнинг финал босқичи бугун — 30 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Наманган, Сурхондарё вилоятлари жамоалари иштирок этишади.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати.

Кўҳна қалъада янги мактаб

Хўжайли туманининг Кўҳна қалъа деб аталадиган худуди йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда кўркам ва замонавий биналарнинг қуриладигани унинг чиройини янада очмоқда. Масалан, 57-умумтаълим мактаби бундан 77 йил аввал қурилгани боис, анча эскириб қолган. Ушбу таълим даргоҳи — 312 ўринли икки қаватли янги бинонинг қурилишига давлатимиз томонидан 988 миллион сўм маблағ ажратилди.

Яқинда мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда туман ҳокими Қўрбонбой Сейитназаров йирилганларни яқинлашиб келаятган 1 октябрь — Ҳуқуқшунослар ва мураббийлар кўни билан салимий табриклаб, ушбу таълим даргоҳи байрам олдида заҳматқаш соҳа ахлига бунёдкор қурувчилар томонидан муносиб совға бўлганини алоҳида таъкидлади.

Ўз муҳбиримиз.

“Фарғонаазот” маҳсулотлари ижобий баҳоланмоқда

“Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамиятида КАС минерал ўғити ишлаб чиқарувчи янги цех ишга туширилди. Бу доривор суюқлик — суспензиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг таркибиде аммофос, карбамид ва селитра моддалари бўлиб, эндиликда у пахта, галла ҳамда полиэтиленлардан юқори ҳосил олишга имкон яратяди.

Аллақачон фермерларга етказиб берилган 2000 тоннадан зиёд янги минерал ўғит мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Айни пайтда янги цехда 70 нафардан зиёд ишчи тўрт сменада меҳнат қилиб, бир кеча-кундузда 100 тоннадан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ўз муҳбиримиз.

Касаначиликка эътибор

Узун туманидаги “Узунпахта” очиқ турдаги хиссадорлик жамияти раҳбарияти Президентимизнинг “Ийрик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, мазкур корхонада касаначилик йўлга қўйилган бўлиб, 60 та янги иш ўрни яратилган. Айни пайтда шунча уй бекалари рўзгор ишларидан ажралмаган ҳолда харидорғир тикувчилик маҳсулотларини тайёрламоқда.

— Аелларга уйда ишлаш қўшимча даромад топиш имконини беради, — дейди цех раҳбари Мамамазар Исмолов. — Масалан, ана шу жиҳатини инобатга олиб, жорий йил охирига ўнбу соҳани янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганми.

Дарҳақиқат, ҳозир корхона раҳбарияти касаначиликни ривожлантириш мақсадида банкдан 25 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига қўшимча технологиялар сотиб олиш ҳамда ишга қабул қилинган янги ишчиларни замонавий тикув машиналари билан таъминлаш ҳаракатида.

Ўз муҳбиримиз.

Нукусда университетнинг замонавий биноси

Яқинда 320 ўринга мўлжалланган Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг уч қаватли муҳташам биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу қосонани бунёд этиш учун ТАТУ ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2 миллиард 500 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлади. “Бектемир темир-бетон маҳсулотлари” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси томонидан қисқа муддатда қад ростлаган янги бинода талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун барча шароитлар мавжуд. Мазкур илм маскани спорт ва мажлислар зали, 4 та компьютер хонаси, 1 та лингофон хона ва бошқа қатор қулайликларга эга.

Филиалнинг янги биносини фойдаланишга топширишга бағишланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов, Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев, Нукус шаҳри ҳокими С.Алланазаров, ТАТУ ректори С.Қосимов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари С.Муҳиддинов, академик Ж.Бозорбоев ва дорилфунун профессори ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлар иштироки эътибор.

Уша кўни бу ерда алоқа ва ахборот технологиялари маҳсулотлари, соҳага оид янги лойиҳалар, асбоб-ускуналарнинг миллий кўргазмаси ҳам очилди.

Ўз муҳбиримиз.

Дейдиларки...

Уста бўлсанг, устозингни унутма.

ХАЛҚ МАҚОЛИ

Муаллим ҳурматини ўрнига қўйган шогирд албатта саодат топади.

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

Ҳақиқий таълим ўқувчини инсонийликка тайёрлашди.

Н.ПИРОВОВ

ХИЗМАТ

ТЕХНИКА СЕРВИСИ РИВОЖ ТОПМОҚДА

Халқимизда “Техника дехқоннинг қаноти” деган ажойиб ибора бор. Заҳматқаш бобо-деҳқонларимизнинг пахта ва галлачиликка эришаётган ютуқларининг замирида уларга сервис хизмати кўрсатаётган муқобил машина-трактор паркларининг ҳам алоҳида ўрни бор, десам янглишмаган бўламан. Масалан, бизнинг хиссадорлик жамиятимиз ўтган йилда фермер хўжалиқларига 164 миллион 750 минг сўмлик хизмат кўрсатган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 253 миллион 593 минг сўмни ташкил қилди.

Корхонамизнинг таъмирлаш устaxonасида 6 ойликда 17 донда он экадиган техника сифатли таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, 10 та юқори унумда ишлайдиган хориждан келтирилган замонавий дон ўриш комбайнлари ердамида жорий йилги галла ўрини мавсумида 3370 гектар бошоқли дон ўришга эришди. Бугдойдан бўшаган ерлар келгуси йил ҳосили учун шудгор қилиниб, кузги дон экилиши учун ҳозирланди.

Хиссадорларимиз биринчи ярим йилликда 193 миллион сўмлик ўрнига 365 миллион 433 минг сўмлик ишларни амалга оширди. Кўрсатиладиган хизматлар 25 фоизга арзонлаштирилди. Бу ҳам хўжалик юртувчи субъектларга, аҳолига анчагина қулайликлар яратилганидан далолатдир.

Дарвоқе, тумандаги барча техника воситаларини марказ-

лашган ҳолда қайта тўлиқ таъмирдан чиқариб, 105 та турли русумдаги дон ўриш, гўза қатор ораларига ишлов бериш ҳамда шудгор қилишга фойдаланиладиганларининг ишлаш муддатини камида 5 йилга узайтирдик. Жорий йил даромадига 5 та янги комбайн, 5 та дон экиш агрегати харид қилишни ният этган хиссадорларимиз белгиланган режа асосида иш юритмоқдалар.

Яқинда туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 10 нафар кишини доимий иш билан таъминладик. Шунингдек, 2 та уй шароитида ишлаш учун касаначиликни йўлга қўйдик.

Шарофиддин ХОЖИЕВ,
Ҳиждуван ММТП хиссадорлик жамияти раиси. (R)

Қарор ва ижро Қонун устуворлиги интизомни таъминлайди

Хатирчи туманининг “Кўксарой” фермерлар уюшмасига қарашли Тошулоқ қишлоғида яшовчи Р.Бозоров 640 минг 50 сўмлик дори-дармон воситаларини марказий бозор худудида ноқонуний ҳолда сотиб турганида туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ушланди. Шунингдек, Янгиробот шаҳарчасининг “Парахун” маҳалласида истиқомат қилувчи О.Нурмаматов 44 турдаги 134 минг 380 сўмлик, М.Улуғбек фермерлар уюшмасининг “Катта қишлоқ” маҳалласида истиқомат қиладиган У.Аслонов 23 турда 68 минг 350 сўмлик дори-дармонни сифат сертификати бўлмаган ҳолда, бунинг устига махсус жиҳозланмаган жойда сотаётганларида қўлга олинди. Бу ҳақда тузилган далолатномалар республика Бош прокуратурасининг Солиқ ва валюта оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хатирчи туман прокуратураси қошидаги бўлимига топширилди ва жиноий иш қўзғатилди. Бу тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги “Дори-дармон воситаларининг белгиланмаган жойларда сотилишининг ва қалбаки дорилар кириб келишининг олдини олиш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги “Алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилишни янада тартибга солиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган текширишлар пайтида жорий йилнинг ўтган даврида 838 минг 300 сўмлик спиртли, 403 минг 700 сўмлик таъмаки маҳсулотлари қонунбузарлардан олиб қўйилди. 4 нафар “тадбиркор”га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 176-моддасининг 1-қисми ва 186-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. 13 нафар фуқарога суд томонидан 1 миллион 317 минг 900 сўм миқдориде жарима жазоси қўлланилди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари бюджетта солиқ ва мажбурий тўловлар учун белгиланган режани 101,4 фоизга урдладди. Бу бюджетта қутилганидан анча кўп маблағ тушиди демакдир.

Умуман жорий йилнинг ўтган даври мобайнида яширин фаолият юритаётган цехларни аниқлаш бўйича ўтказилган қисқа муддатли рейдлар давомида 19 дан зиёд тегиримон, 1 та яширин нон цехи иш олиб бораётгани аниқланди. Улардан 855 минг сўмликдан кўпроқ товар хомашёлари ҳамда мосламалар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Тўпланган материаллар туман судига юборилгач, уларга 280 минг сўмдан зиёд жарималар қўлланилди.

Бир сўз билан айтганда, Навоий вилоят Хатирчи туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари қонун устуворлигига эришиш, тегишли солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида ундириш, қолаверса, аҳолининг солиққа оид билим ва тушунчаларини янада кенгайтиришда буюк имкониятларни ишга соляпти.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
“Hurriyat” муҳбири.

“МЕНИНГ БИРИНЧИ ҲАММА БИРДЕК ТАЪЖИМДА. ҲАЁТДА ШУНДАЙ МУЪТАБАР МАСКАН БОРКИ, УНГА ҲАМИША ИШТИЛАМИЗ, ҚАДАМ ҚИРСАК ДИПЛОМНИЗ ҲАВЖОНДАН ХАПКИРАДИ. Ҳ — МАКТАБ. ЕШТИМИЗ, БЕГУБОРЛИМИЗ ОСТАНАС. ИЛК БОРА ҚУЛЛА ҚАЛАМ ТУТҚАЗИБ ЁЗИШНИ, ҲАМИША ҲАМИША УСТОЗ-ИМ? БУ УЛУГ

Дунёда шундай касб эгалари борки, уларнинг олдида ҳамма бирдек таъжимда. Ҳаётда шундай муътабар маскан борки, унга ҳаммиша иштиламиниз, қадам қирсак дипломиниз ҳавжондан халқиради. Ҳ — мактаб. Ештинимиз, бегуборлигимиз остонас. Илк бола қулла қалам тутқазиб ёзишни, ўқишни ўргатган устоз-им? Бу улуг

Зотини унутиб бўладими? Асло! Устозлар айёми муносабати билан бир нешта эл назаридоги инсонларнинг биринчи бор мактаб остонасига қадам қўйган оилари-ю, биринчи ўқитувчилари ҳақидаги хотиралари, умуман устозлар ҳақидаги дил сўзларини ёзиб олдик.

Фарида АКБАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Одатда, болалар етти ёшга кирганда мактабга бориб, ўқитувчилардан сабоқ олишади. Аммо мен туғилганимдан оқ устозларнинг тарбиясида улғайдим десам хато бўлмайди. Чунки отам ҳам, онам ҳам ўқитувчи бўлишгани учун улар олти ёшга кирганимча менга ўқишни ҳам, ёзишни ҳам мукамал ўргатишган.

Ҳали ҳам бегубор бир хотира сифатида эсламан: олти ёшга тулганимда 1-сентябрь кuni эрталаб уйқудан уйғонсам, ҳамма болалар мактабга шошилишарди. Мен ҳам ўқишга бораман, деб роса хархаша қилганман. Охири ота-онам “Майли, бир-икки кун мактабга қатнасин, жонига теккандан кейин ўзи бормай қўяди” деб мактабга олиб боришган ва Лабига опа

деган муаллимнинг ўқувчилари сафига қўшилган. Биласизми, ўшанда на мактаб формаси, на портфелим бор эди. Уша кuni онам кечаси билан ухламай менга форма тикиб берганлари ҳали ҳам кўз олдимда. Шундай қилиб, эртаси кuni чиройли ўқувчи киз бўлиб, портфель кўтариб дарсга борганман. Орадан бир ой ўтган ўқитувчим директорнинг олдида кириб, менинг етти ёшли болалардан ҳам яхшироқ ўзлаштириётганимни (тагин бу гапларни нокамтарликка йўйманг, мен шунчаки ўша мурғак пайтимдаги хотираларимни эслаяман, холос), мени биринчи синф ўқувчилари рўйхатига киритиш кераклигини айтган. Шу-шу, мен олти ёшимда мактабга қабул қилиндим. Биринчи синфнинг иккинчи ойдан бошлаб рус гуруҳига ўтиб, Палина Димитровна деган муаллимдан сабоқ олганман.

Яна бир гап. Бошланғич синфда ўқиб юрганимдан

ўргатилган кундалик тартибга қатъий риоя қилардим. Яъни мактабдан қайтганча, бироз ухлаб, дам олишим шарт. Ундан кейин онамга уй юмушларига қарашардим. Кейин эса бир соат фақат битта фандан уй вазифаларини тайёрлардим. Ундан сўнг ўртоқларим билан ўйнаб ёки бирор жисмоний юмуш билан шуғулланиб, яна бир соат кейинги фан бўйича уйга берилган топширилари бажарардим. Кечқурун дарс тайёрлашим ва бир йўла ҳамма фанларга доир вазифаларни бир вақтда тайёрлашим қатъий ман этилган эди. Агарда барча дарсларимни бажаришга улгурмасам, ҳар доимги вақтда, албатта ухлаб, эрталаб эса вақтли уйғониб, қолганини тайёрлашим керак эди. Ҳар тонг нуношадан кейин онам кундалигимни текширидилар ва мен олган ҳар битта баҳом учун жавоб берар эдим. Шунинг ҳам айтишим кераки, ота-онам менга асло дўқ-пўписа қилишмас, дарс

тайёрлашга мажбурлашмас эди. Аксинча, уларнинг муносабатлари табиий туюларди. Шунинг учун ҳам менда китоб ўқишдан беши ҳолати бўлмаган. Мактабим илтифатли равишда битириб, ўзим орзу қилган олий билим ўчоғида таҳсил олдим. Ҳозир эса ота-онамнинг шундай тартиб ва интизомга ўргатишгани учун уларга мингдан-миг раҳмат дейман. Қолаверса, ўша болагимда ўрганган қондалар ҳануз умримнинг мазмуни бўлиб қолган.

Отам педагогика соҳасининг шундай фидойиси эди. Тўқсон ёшга кирганимда республика фахрий ўқитувчилар уюшмаси раиси бўлиб меҳнат қилди. Ҳозир акам ҳам етмиш ёшга яқинлашган бўлса-да, физика фанидан ёшларга сабоқ бермоқда.

Соҳанинг жонкуяри бўлган устоз ва мураббийларни бир умр эъзозласак арзийди. Уларни чин юракдан табриқлаб, барчаларига муштаҳам соғлик ва узоқ умр тилайман.

Умр зое кетмасин

Минг шукурки, халқимиз муаллимларни доимо қадрлайди, уларга чексиз ҳурмат кўрсатади. Мен Кўқон шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида ўттиз йил давомида математика ва информатика фанидан ёш авлодга сабоқ бердим. Ҳозирги кунда эса фахрий устоз сифатида эл ардоғидаман. Бугун мени таниган ёш-у, қари барча “Олой” (устоз, муаллима сўзининг Фарғона шеvasидаги кўриниши) дея мурожаат қилади. Бу эса менинг умрим зое кетмаётганининг яна бир эътирофидойи гўё.

Чиндан ҳам элдан иззат кўриш, эъзозли инсон бўлишнинг ортида фақат тинимсиз меҳнат ётади. 1997 йили 26 августда нишонланган туғилган куним ўша меҳнатларимнинг самараси ўлароқ умримдаги энг унутилмас онлар бўлиб қолди. Чунки айнан ўша кuni менга “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони берилгани тўғрисидаги Президентимизнинг Фармони



манбуотда эълон қилинди. “Ўқитувчи маълум маънода шоир бўлиши керак”, дер эди раҳматли устозим Сорахон Ҳожимаева. Умрим мобайнида устозимнинг нақадар ҳақ эканига бир неча бор амин бўлдим. Чиндан ҳам математика ниҳоятда мурраккаб, шу билан бирга ниҳоятда қизиқарли

фандир. Ана шу фикр билан шоғирдларимга фанининг қизиқарли томонларини кўрсатиб беришга, уларнинг бу фанини ўрганишга бўлган иштиёқини янада ривожлантиришга ҳаракат қилдим. “Саҳнада математика” номли китобим ана шу мақсад йўлида тайёрланган эди. Бу китобимда математикага доир атамалар, таърифлар, теоремалар шеърый ҳазил ва топишмоқлар тарзида баён этилган. Бу эса ўқувчиларга мурраккаб теоремаларни ҳам осон тушуштириш имконини беради.

Менга матбуот орқали устозларни кутлаш имкони берилган экан, шу имкондан фойдаланган ҳолда ўз устозларимни ҳам, бугун ўзлари ҳам кўпларга устоз бўлган шоғирдларимни ҳам, умуман барча ҳамкасбларимни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni билан чин юракдан табриқлайман.

Манзура МАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Муסיқа — тарбиянинг энг юқори чўққиси

Кунлардан бир кuni шаҳар марказида бир ўзбек қизининг танбур сози солинган катта гилофни елкалаб юрганига кўзим тушди ва унга яқинлашдим. “Қизим, шундай кўпол сози кўтариб, кўчада юришга истихоло қилмайсизми?”, — дея сўрадим. У эса асли бир нуфузли олий ўқув даргоҳида таълим олаётганини, бўш пайтларида миллий чолғу асбобларимизни чалишни ўрганаётганини ва бу билан фахрланишини айтди. Яна унинг айтишича, баъзи хорижий давлатларда бирор муסיқа асбобини чала олмайдиганлар маданиятчи шахс саналмас экан. Бу доно қизнинг сўзларини эшитиб, унга айтган гапларимдан анча ҳижолат бўлдим. Ҳақиқатан ҳам муסיқа тарбиянинг энг юқори чўққисидир.

Мана, қарийб қирқ йилдики, муסיқа фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаман. Ҳозирда Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги 2-болалар муסיқа санъати мактабининг директориман. Очиғи, ўз фао-



лиятим давомида ҳеч қачон муסיқа санъатига бугунгидай катта эътибор ва рағбат кўрсатилганининг гувоҳи бўлмаганман. Бундай эътибор эса ўз самарасини бермай қолмайди.

Чиндан ҳам муסיқа билан ошуфта бўлган мурғак қалблар бутун умри давомида эзгуликка йўлдош бўлишади. Чунки муסיқа юракдаги энг пок туйғуларни уйғотувчи сеҳрли воситадир. Ҳар қандай соҳада бўлгани каби санъатда ҳам устоз кўрмай туриб, устозлик қилиб бўлмайди. Мен ҳам бир нечта муаллимларнинг сабоғини олиб, бугун озми, кўпми эл ардоғидаман. Бунинг учун эса улардан (баъзилари оламдан ўтишган, Аллоҳ раҳ-жолат бўлсин!) жуда миннатдорман.

Фурсатдан фойдаланиб юртимиздаги барча устоз-мураббийларни касб байрамимиз билан муборакбод этаман.

Одилжон СУННАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

лиятим давомида ҳеч қачон муסיқа санъатига бугунгидай катта эътибор ва рағбат кўрсатилганининг гувоҳи бўлмаганман. Бундай эътибор эса ўз самарасини бермай қолмайди.

Чиндан ҳам муסיқа билан ошуфта бўлган мурғак қалблар бутун умри давомида эзгуликка йўлдош бўлишади. Чунки муסיқа юракдаги энг пок туйғуларни уйғотувчи сеҳрли воситадир. Ҳар қандай соҳада бўлгани каби санъатда ҳам устоз кўрмай туриб, устозлик қилиб бўлмайди. Мен ҳам бир нечта муаллимларнинг сабоғини олиб, бугун озми, кўпми эл ардоғидаман. Бунинг учун эса улардан (баъзилари оламдан ўтишган, Аллоҳ раҳ-жолат бўлсин!) жуда миннатдорман.

Фурсатдан фойдаланиб юртимиздаги барча устоз-мураббийларни касб байрамимиз билан муборакбод этаман.

Одилжон СУННАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси раиси:

— Қўлимга илк бора қалам тутқазган устозим деганда кўз ўнгимга Ҳамро ака Юнусов келади. У киши ботаника фанидан дарс беради. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, жуда ажойиб инсон эди. Ҳамро акани нафақат ўқитувчи сифатида, балки акам сингари ҳурмат қилардим, қадрлардим. Биз билан домланинг уйи ёнма-ён жойлашганди. Ҳали ҳам эсимда: 1955 йил биринчи синфга борганимда ўша йил қишда қалин қор ёғди. Шу боис, кўчада юриш анча мушкул эди. Айниқса, мен тенги болаларнинг ўзлари мактабга боролмасди. Қолаверса, ўша пайтлар одамларнинг турмуш тарзи анча ночор бўлган. Кийим-кечаклар ҳам етарли эмас. Ҳамро ака бизни қўлимиздан тутганча мактабга



масди. Бир сўз билан айтганда, домламининг ҳам меҳри, ҳам қаҳри бор эди. Дарс пайтида тартибга, одоб-ахлоққа катта аҳамият берадилар. Аммо домла билан бир марта сўхбатлашган одамнинг қайта-қайта учрашгиси келаверарди.

Ўқитувчилик — улуг касб. Ўзимга келадиган бўлсак, Тошкент иқтисодий университетиде таълим берган шоғирдларим бугун нафақат республикамизда, балки дунёнинг кўп-кўп давлатларида фаолият юритишмоқда.

Мен бундан бахтиёрман. Бу шарафли касб кишидан фақат дарс ўтишигина такозо қилмайди. Ҳақиқий устоз, мураббий биринчи навбатда болаларни юракдан яхши кўриши керак. Уларга меҳр бериши лозим. Чунки бола ниҳолга ўхшайди. Парвариш керак. Боланинг кўнгли ғоятда мусаффо, тоза бўлади. Унга гард юкмасин. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўқитувчилар эса мана шундай оғир вазифани ўз бўйича олган фидойи инсонлардир. Уларнинг олдида ҳаммиша қарздоримиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлашимиз жоник, истиқлол йилларида таълим соҳасига, хусусан, ўқитувчилар ва мураббийларга эътибору рағбат ошди. Уларнинг меҳнатлари қадрланиб, Президентимиз томонидан 1 октябрь — “Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni” деб эълон қилинди. Ойлик маошлари йилдан-йилга ошириб боришмоқда. Мактаблар, олий ўқув юрларидаги шарт-шароит яхшиланаяпти. Бу соҳа вакиллари шубҳасиз ана шундай шарафга муносибдирлар.

Мен бундан бахтиёрман. Бу шарафли касб кишидан фақат дарс ўтишигина такозо қилмайди. Ҳақиқий устоз, мураббий биринчи навбатда болаларни юракдан яхши кўриши керак. Уларга меҳр бериши лозим. Чунки бола ниҳолга ўхшайди. Парвариш керак. Боланинг кўнгли ғоятда мусаффо, тоза бўлади. Унга гард юкмасин. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўқитувчилар эса мана шундай оғир вазифани ўз бўйича олган фидойи инсонлардир. Уларнинг олдида ҳаммиша қарздоримиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлашимиз жоник, истиқлол йилларида таълим соҳасига, хусусан, ўқитувчилар ва мураббийларга эътибору рағбат ошди. Уларнинг меҳнатлари қадрланиб, Президентимиз томонидан 1 октябрь — “Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni” деб эълон қилинди. Ойлик маошлари йилдан-йилга ошириб боришмоқда. Мактаблар, олий ўқув юрларидаги шарт-шароит яхшиланаяпти. Бу соҳа вакиллари шубҳасиз ана шундай шарафга муносибдирлар.

Ақром КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Болаликнинг бегубор дамлари, илк бор мактаб остонасига қадам қўйганини, биринчи ўқитувчисини қўсмаган инсон бўлмас керак. Ота-она фарзандни дунёга келтириб вояга етказишса, ўқитувчи унга илм бериб, юксакликка кўтаради. Ўқитувчи болага харф ўргатиб, ўқишни, билим олишга ўргатишдан ташқари унга ҳаётнинг дастлабки тушунчаларидан сабоқ беради. Уни ўйлашга, фикрлашга ўргатиб, инсоний фазилатлар сари етаклайди ҳам. Шунинг учун инсоннинг баркамол тарбия топишида биринчи ўқитувчининг хизмати, меҳ-

нати жуда юксакдир. Айтишларки, агар режанг бир йил бўлса, пахта эк, режанг ўн йил бўлса, те-рак эк, режанг юз бўлса болага таълим-тарбия бер. Ҳақиқатан ҳам пахтакор меҳнатининг натижаси бир йилда билинади, аммо ўқитувчи меҳнатининг меваси 10-15 йилда сезилади. Хуллас, ўқитувчилик машаққатли, шу билан бирга, шарафли, қадрлидир. Бутун инсоният учун ўқитувчи азиз ва муътабар. Шунингдек, бола наздида дунёда биринчи ўқитувчидек етук инсон йўқ. Одам ким бўлишдан қатъи назар, у биринчи ўқитувчисини, умуман устозларини эслаб юради, қалбида доим ҳурмат ва эҳтиром билан ҳаммиша ёд олади.

Мен 1960 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабга қадам қўйганман. Ўша пайтларни ҳали ҳам ҳаяжон билан эслайман. Эртага мактабга бораман деб, кечаси билан ухламай кийимларимиз, папчаларимизни тайёрлаб, биринчи сентябрь кuni ҳовлимиздаги атиргуллардан узиб ўқитувчи-

мизга олиб бордик. Биринчи кундаги таассуротим шу бўлдики, катта йиғилиш қилиб, бизга ўқитувчимизни таништиришди. Кўзимиз у кишининг кўзига тушганида “Бизга шу аёл дарс берадир” деб жуда қаттиқ ҳаяжонландик. Синфга кириётганимизда бир-биримизнинг қўлимизни ушлаб олишимизга қарамай ҳаяжонланганимиздан қоқилиб ҳам тушганмиз. Биринчи ўқитувчим Маъруфахон Юнусова (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) бўлган. Устозимиз сабоқ беришда ҳар бир харф, ҳар бир сўз устида жонини фидо қиладиган инсон эди. Барчамизни ўзининг фарзандидек кўрарди. Агар оинфимиздаги бирор бола касал бўлиб қолса, дарров тўртта-бештаимиз билан ана шу боланинг уйига уни кўргани борардик. Бу билан муаллимимиз бизда ўзаро меҳр-оқибатни шакллантиришда ўрнатилган экан. Биз эса кичкина бир ютуғимизни ҳам устозимизга мактабик, гурурланиб айтардик.

Агар бугунги ёшлар

ҳақида сўз юритсак, чин маънода уларга ҳавас қилсак арзийди. Уларнинг гайратли, шижоатли, ўз мушкул фикридаги, маънавий ва жисмоний етук бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратилган. Мушкуллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мурраккаб ишга киришилди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган узлуксиз таълим тизими яратилди. Буни бутун дунё тан олмақда. 1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам Ўзбекистонда таълимга оид давлат сиёсатининг амалий натижасидан далolatдир. Ун саккиз йилдан ортиқроқ давр мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган узлуксиз таълим тизими босқичма-босқич аниқ мақсадга йўналтирилгани билан ўз самарасини бериб келмоқда.

Ситора ТОЖИДИНОВА
ёзиб олди.



“АГРОБАНК” жамоаси

юртимиз аҳолисига ўзининг қуйидаги янги юқори фоизли ва жозибадор депозит омонатларини тақлиф этади:

“УНИВЕРСАЛ КАПИТАЛ”
(жамғарма)
биринчи 5 ой давомида йиллик 24 фоиз
сўнгги 6 ойда йиллик 30 фоиз

“ҲОСИЛ — 2009”
(муддатли)
йиллик 28 фоиз



Омонатлар бўйича ҳисобланадиган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақаларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонуан юз фоиз таъминланади!

“Агробанк” омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирин ҳисобланади.

Қўшимча маълумот бўйича **(8.371)150-53-65** телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

**“Агробанк” — юрт ободлиги ва яратувчанлик
ғояларининг молиявий таянчи!**

Хизматлар лицензияланган

ТҮРТИНЧИ ХОКИМИЯТ

“HURRIYAT” — СЕВИМЛИ ГАЗЕТА

(Бошланғич 1-бетда.)

Ушбу газета айниқса, сўнгги бир-икки йилда ўз йўналишини янада аниқ топиб олди, саҳифалари сонини кўпайтирди, расмларни рангли тарзда беришга ҳаракат қилмоқда, “макет” ини ҳам янгилади.

“Чоршанбадан чоршанбагача” рўқни орқали юртимизда бир ҳафта мобайнида содир бўлган энг муҳим янгиликлар қисқа сатрларда баён этилади. Бундан ташқари, “Дунё сийёсати” рўқнида жаҳонда рўй берган турли муҳим воқеалар атрофида шарҳланади. Мазмунан олиб қараганда бу икки рўқни бир-бирини мантқан тўлдирди.

Шу ўринда эслаб ўтишим керакки, ўтган йили АҚШ президентлигига бўлиб ўтган сайловлар айнан “Хуррият” газетасида бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан анча муфассал ёритиб берилди. Афсуски, халқро мавзуларни бу каби чуқур таҳлил этиш республика нашрларида ҳам, маҳаллий газеталарда ҳам негадир тобора камайиб бораётти.

“Ара” ва “Хат” рўқниларида эса юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг шикоят хатлари ва аризалари доимо бериб борилади. Бу рўқнларни мунтазам ўқиб бориб шунга амин бўламани, газета фуқароларнинг чинаккам минбарига айланиб бормоқда.

Қолаверса, бу жуда ибратли ҳол. Негаки, айрим ноҳақликка учраган фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, давлатга нисбатан ишончни мустаҳкамласа, бошқа томондан ўз касбига панжа орасидан қараётган мансабдор шахсларни ҳушёрликка чақиради, вазифасига масъулият билан ёндашишга ундайди.

Мен журналист касбини танлаб, ўтмишда журналистикани қандай бўлган экан, деган саволни кўп марта ўзимга ўзим берардим. Афсуски, бу борада тайинли китоб топа олмай саволларимга аниқ жавоб топишга кўйнардим. Таникли журналистлардан ҳисобланган Хуршид Дўстмухаммедов ва Аҳмадjon Мелибоевлар қаламига мансуб уч-тўртта касбга доир адабиётларни ҳисобга олганда бу борада ҳанузгача салмоқли ишлар қилинмаган.

“Хуррият”да “Аввали” деган рўқни бор. Унда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига ча бўлган газета ва журналларда эълон қилинган турли мақолалар асл ҳолича чоп этиб келинади. Шу устун орқали мен ўтган аср бошида мамлакатимизда “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Фарғона”, “Тараққий” каби газета ва “Анаган” журналлари чоп этилганини, уларда Мунавварқори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Бехбудий, Хамид Сулаймон (Чўлпон), Абдулла Қодирий, Н.Раҳимий сингари маънавиятимизнинг улкан тарихий шахслари қаламига мансуб мақолалар босилганини билиб олдим. Бу каби мақолаларни бир жойга жамлаб яхлит китоб ҳолига келтирилса, албатта фойдадан холи бўлмас эди.

“Худудий нашрларда” рўқнида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чоп этилаётган турли газеталарда энг “мих” мақолалар кўчириб босилади. Шу орқали муайян ҳудуддагина тарқаладиган газе-

тарлардаги жиддий материаллар республика доирасига олиб чиқилади. Шунингдек, шу йўл билан бир нашр бошқа бир нашрни қўллаб-қувватлайди. Бу замонавий журналистиканимиз учун жуда диққатга сазовор ҳолатдир.

Мен бу рўқни мутоала қилиш асносида “Иқбол” ва “Анджоннома” (Анджон вилояти), “Чағонён” ва “Сариосиё” (Сурхондарё вилояти), “Тошкент ҳақиқати” ва “Олмалиқ ҳақиқати” (Тошкент вилояти), “Гурлан ҳаёти” (Хоразм вилояти), “Дўстлик ҳаёти” (Жиззах), “Дўстлик байроғи” (Навоий вилояти), “Давр” (Наманган) ҳамда “Бухоронома” (Бухоро вилояти) каби ҳудудларимизда чоп этиб келинаётган газеталарнинг номлари билан яқиндан танишдим.

Ҳар бир газетани газета қиладиган бу аввало журналистлардир. “Хуррият” газетаси ўз таҳририятига моҳир қаламкашларни кўпроқ жамлаб бораётгани эътиборга молик. Ситора Тожиддинова, Солиҳ Қаҳҳор, Даврон Орипов, Адиба Умирова, Иномжон Абдиев каби журналистлар қалами ўткирлиги ва масаланинг туб моҳиятига кириб бориши, ўзларининг эркин мушоҳадалари билан алоҳида ажралиб туради.

Шу боис газетанинг бу заҳматқаш ходимлари ҳар йили ижодкорларни рағбатлантириш, меҳнатини эъзозлаш мақсадига аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Энг улуг, энг азиз”, “Олтин қалам”, “Йилнинг энг фол журналисти”, каби қатор нуфузли танловларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.

Кейинги пайтларда ҳар бир газетада турли мавзудаги реклама ва эълонларга кўзингиз тушади. Улар орасида соф рекламдан тортиб, мақола остига “Т” белгиси қўйилган “пулли мақолалар”гача учрашмиш мумкин. Тўғри, бугунги кунда реклама нашрлар учун сув ва ҳаводай зарур. Оммавий ахборот воситаси ўзи маблағ топиб, иқтисодини мустақил юритмас экан, бозор шароити талабларига дош беролмайди.

Аммо айрим нашрларда рекламалар оддий ўқийдиган материаллардан ҳам кўпайиб, кишининг асабига ўйнайди. “Хуррият”нинг бир ибратли томони ҳатто “Т” белгиси туширилган мақолаларга ҳам жиддий ёндашади. Пулини олдиқ, энди мақолани “юмалоқ-ёстиқ” қилиб чиқариб юборсак кифоя қабилда ёндашилмайди. Натижада ўқувчининг ундан ихлоси қайтмайди.

Шу ижобий ҳолатнинг барчаси бир бўлиб, газетанинг умумий адади йил сайин ошиб бораётгани қувонарли ҳол. Аслида мен ҳам шу газетада меҳнат қилаётган қалам соҳиблари каби журналист бўлишни истайман. Насиб этса, кейинги йили Ўзбекистон Миллий университети ёки Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетида ўқушга топширишни дилимга тугиб қўйганман.

Севимли газетам ҳақида сўзимни якунлар эканман, 2010 йил учун ҳам оиламиз билан унга обуна бўлишга қарор қилдик. Зеро, “Хуррият”ни ўқисангиз пулингиз кетганига ачинмайсиз.

Гулнора УМРЗОҚОВА
Шаҳрисабз тумани.

Таълим-тарбия ҳақидаги муҳим қўлланма


Халқимизда “Устоз отангдек улуг” деган мақол бежиз айтилмаган. Мазкур мақолнинг замирида ниҳоятда катта маъно бор. Боиси ўқитувчининг ўрнини ҳаётда ҳеч бир киши боса олмайди. Президентимиз ҳам ушбу касб эгалари тўғрисида шундай деган: “Агар ота-она вужуд меъмери бўлса, ўқитувчи қалб меъморидир”.

Мамлакатимизда устозларнинг заҳматли меҳнатини шарафлаб ёзилган китоблар кўп. Яқинда педагогика фанлари номзоди И.Каримов хайрли ишга қўл урди. Унинг муаллифлигида Халқ таълими вазирилик ва Кўқон давлат педагогика институти томонидан нашр этишга рухсат берилган “Ўқитувчи, устоз, мураббий...” деб номланган рисола чоп этилди. Мазкур китобча талабалар ва ёш ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда ўқитувчилик касбининг шарафли ва машаққатли эканлиги, жамиятда ва ёшларга таълим-тарбия беришда унинг тутган ўрни ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Рисола бир неча қисмдан иборат бўлиб, унда мамлакатимиз таълим тизимидаги

изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси, “Таълим тўғрисида”ги ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлардан кўчирмалар, шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг ёшларга таълим-тарбия бериш ҳақидаги фикрлари берилган.

Шунингдек, “Шарқ аллоmaları ёшларга касб-хунар ўргатиш ишлари ҳақида”ги бўлимда ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Доғиш, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг билим олиш, касб ўрганиш ҳақидаги айрим асарлари шарҳлаб берилган. “Ҳикматлар хази-



наси” номли бўлимда эса дунёга машҳур алломаларнинг билим олиш тўғрисидаги фикрлари баён этилган. Умуман олганда, рисола қизиқарли бўлиб, унда ўқитувчилик, мураббийлик тўғрисида муаллифнинг ажойиб фикр ва мулоҳазалари акс этган. Бизнингча китобча билан таълим соҳасига қизиққан кенг жамоатчилик танишиб чиқса, фойдадан холи бўлмайди.

Ҳосил КАРИМОВ

АНЖУМАН

Агар ҳаёт бўстон бўлса...

Куни кеча Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида Ўзбекистон халқ таълими вазирилик томонидан пойтахтимиздаги 144-мактабда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда устоз мураббийлар, таълим тизимининг вилоятдаги масъул ходимлари, ўқитувчилик соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, эл-юрт хурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатини халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов очар экан, кейинги йилларда таълим тизимида эришилган ютуқлар ва бу борада амалга оширилаётган ишлар қўлами ҳақида агрофлича сўз юритди.

Тадбир давомида халқ таълими вазирилик ҳамкорлигида вилоятларда Ўзбекистон ёш педагоглар ассоциацияси ташкил этилгани иштирокчиларга маълум қилинди. Шу билан бирга, журналистлар янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан ҳам танишди. Бу борада устоз педагоглар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Иномжон АБДИЕВ

ЭЪТИРОЗ

ОБУНАЧИНИ РАНЖИТМАНГ

Қўлимда бир даста газеталар билан таксига ўтирдим. Одам кам бўлгани учун биз ўтирган такси мижоз кутарди. Ёнимдаги ҳамроҳим қўлимдаги газеталардан бирортасини бериб туришимни илтимос қилди. Ҳамроҳим чанқоқлик билан газетани ўқишга тўтинди. Мени ҳайратга солган нарса — ҳалиги одамнинг ярим соатда бутун бир газетанинг бошидан кириб, адоғидан чиққани бўлди.

— Газета яхши нарса-да, — гап бошлади менга разм солиб. — Варақласангиз, бутун оламдаги воқеалардан хабардор бўласиз. Хориждаги вазиятга қараб эртанги кунни билиб олиш қийинмас. Масалан, Хитой Халқ Республикаси бир вақтлар қашшоқликдан қанчалар қийналмади. Аҳолининг кўпчилиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринни банд этувчи бу мамлакатни қисқа фурсатда таракқий этган давлатлар қаторига қўшилади, деб ким ўйлабди, дейсиз. Шунча аҳолининг

эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириб, яна турли хил товар ва маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишга улгурди. Газета варақласасиз, телевизор кўрмасиз бу янгиликлардан воқиф бўла оларимиз.

Илгари турли-туман газеталарни олиб турардик. Корхонамиздан обунага пул кўчирилиб, огиримизни энгиллаштирадик. Ҳозир унақа гаплар йўқ ҳисоби. Хоҳлаган обуна бўлсин дейди. Аммо обуна пайтида ойлики газета обунаси учун сарфлашга кўзимиз қиймайди. Ўзингиз

ўйлаб кўринг, бундайроқ газетанинг обуна баҳоси 40-50 минг сўмдан кам эмас.

Ўтган йили вилоят газетасига обуна бўлгандим. Почта хизмати ходимлари бир сонини олиб келиб берса, иккинчисини алламиларга совға қилиб юборишди, шекилли, хонадонимизга этиб келмайди. Тўққиз ойгача бир сони келса, икки сони келмай газета олиб турдик. Шундан сўнг негадир почталёонлар ўша газетани ҳам олиб келмайдиган одат чиқаришди. “Нега газетани бермайсизлар?” десам, “Обуна бўлганингиз ҳақида қивтанцияни кўрсатинг” деб осмондан келишди. Роса бир кун қивтанция ахтардим. Тополмадим. Шундан сўнг газета бериш ҳам тўхтатилди. Шу бўлди-ю, обунага иштиёқим сўнди. Ҳозирги келраки газетани жойлардаги “Матбуот тарқатуви”нинг дўкон-

ларидан харид қилиб ўқийман. Обуначига газетани бермайди-ганларни эса назорат қилади-ганлар топиламан.

— Демак, почта ходимларига ишонмай қўйибсиз-да?

— Йўқ, ҳамма почта ходимлари ҳақида шундай демокчимасман. Ўз вазифасига сидқидилдан қарайдиган қанча почталёон танишларим бор. Бироқ кимнингдир айби билан қанча пул тўлаб обуна бўлсанг-у, сеvimли нашрингни ўз вақтида ёки умуман ололмасанг, ранжир эксан киши.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, одамлар нега турли хил нашрларга ўз вақтида обуна бўлма-япти, деган саволга қисман жавоб топгандек бўлдим.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
журналист,
Самарқанд вилояти,
Пастдарғом тумани.

АВВАЛИ

Наманганда

“Намуна ирфон” мактаби

Ҳамиятлик бойларимиз ва ғайратлик ёшларимизнинг ҳаракати ила бинога келган “Намуна ирфон” мактаби 12 нчи йилда майдонга қўйилуб, ҳозиргача давом қилуб келмагача эди. Бу мактабхона ушбу йил 1 нчи сентябрдан эътиборан “Жамияти исломия” бу мактабни ҳар бир жиҳатдан таъмин этмагани ўз иродасига олди. Намангандаги жамиятлардан энг биринчиси “Жамияти исломия” бўлуб, ушбу йил Тошкандда очилган икки ойлик курсга та-

лабалар юборуб ўқутди ва ҳам шунинг ила баробар ҳозирдан бошлаб жамият ўз номига бир қироатхона очди. Бундан бошқа яна бирор жойга мактаб очмоқчидурлар.

Шул сабабли жамиятнинг ҳимматли аъзоларига, хусусан, қори Зайниддин афанди, қози Насриддин ўғилларига чин қалбимиздан ташаккур айта-миз.

Талабалардан: Рафиқ Мўминий.
“Турк эли” газетаси,
1917 йил, 28 октябрь, №3.

ИЗОҲЛАР:

“Жамияти исломия” — мусулмон қавмларининг Тошкентда 1917 йил февраль тўнтаришидан сўнг (аниқроғи, март ойда) ташкил этилган сиёсий жамият. Унинг вилоятларда (Жумладан, Наманганда ҳам) филиаллари ташкил қилинган. Маҳаллий истиқлолчиларнинг фикрига қўра, пировард натижада Туркистонда мустақиллардан сиёсий ҳокимиятни ана шу жамият ўз қўлига олиши керак эди. Лекин большевикларнинг 1917 йил октябрь ойидаги тўнтариши оқибатида бу ният амалга ошмай қолган.

“Бу мактабхона...” — гапда услубий хатога йўл қўйилган.

“Турк эли” — 1917 йил 4 октябрдан Марказий шўрои ислом ва “Турк адами марказият (федералист)” фирқасининг нашри сифатида чиқа бошлаган газета. Бор-йўғи 4-5 сони мавжуд.

“Турк адами марказият (федералист)” — Туркистонда 1917 йил сентябрда “Турон” жамияти аъзолари илтимосига биноан Тошкентга келган Озарбойжондаги мусовот партияси аъзолари кўмагида ташкил этилган фирқа. Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, барҳам топган.

Рафиқ Мўминий — Рафиқ Мўминов (1900-1951), 1917 йилда дорилмуаллимнинг битириб ўқитувчи бўлиб ишлаган, шеърий ҳамда драматик ижод билан ҳам шуғулланган, Сталин қатағонига учраган.

Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

АКС-САДО

Касбим тақозоси туфайли таникли актриса Лут-физоним Саримсоқова, адабиётшунос олималар Маҳбуба Сулаймонова, Кибрий Қаҳҳорова, санъаткорлар Мунжот Йўлчиева, Замира Суноновалар билан ҳамсуҳбат бўлганман. Уларнинг хонадонларида ҳам, кўча-кўйда ҳам айрим ҳозирги “юлдуз”лар каби сочи бўялган, миллий либосини хорижиникига алмаштирган ҳолда кўрмаганман.

Ҳаё ва одоб либосла акс этади

Журналист Феруза Мирзаолимованинг “Илдизи бақувват дарахт куримайди” сарлавҳали мақоласини ўқиб... (2009 йил 19 август, 35-сон)

Муаллиф ҳам ўз мақоласида гоят долзарб масалани ўртага ташлаб, барчани баҳсга тортган. Ростини тан олайлик, сочинини майда ўрган қизларни, миллий либос кийган аёлларни бутун кўча-кўйда учратиш камёб ҳодиса бўлиб қолаяпти. Газета ва журналларда турли миллий аъналаримиз борасида қанчалар ёзмайлик, “ойна жаҳон” ва кино ижодкорлари ишларимизни чиппака чиқармоқда. Негаки, улар миллийлигимизга ёт унсурларни реклама қилишяпти. Ахир, миллий либос — юрт қадр. Қолаверса, XX аср билан XXI аср ўртадаги тафовут — ахборот алмашинуви онг, қадрият, маънавият, руҳият тушунчаларини боши берк кўчага тикиб қўяё-

ди. Масалан, биргина уяли алоқа тизими ривож топиб, чўнтак телефонларидаги клиплар, хориж

таълими вазиригининг вилоят, туман ва шаҳарлардаги бўлимларида, ўқув муассасаларида ва маҳаллаларда қизлар, талабалар ўртасида одоб ва ахлоқ либослар тўғрисида кўпроқ суҳбатлар ўтказиш керак, назаримда. Чунки ҳаё ва одоб аввало либосда акс этади. Шу ўринда бир фикр: очиги, биз эр-кавлар гарчи ўз қўнларимизни энгил кийимларда кўрсак, қаттиқ гапириб тартибга оламиз. Лекин ўзга қиз-жувонларга бирор нарса дейишга орқилимиз. Андиша миллийлигимизга ҳос бўлса-да, баъзан у бепарволик билан чапишиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.



либослари, хориж рекламалари, ҳаёсиз кино, сериаллардаги “йигит-қиз”нинг ишқий саргузаштлари, порносюжетли лавҳалар, ҳар хил ғайритабиий кўрса, кишининг берк кўчага тикиб қўяё-

Мухторбек СУЛАЙМОНОВ,
журналист.

НУКУС ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ТРАНСПОРТИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

азиз ўқитувчиларни, устоз-мураббийларни касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади.

Азиз ҳамкасблар! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, сўнмас бахт, янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

ҚУТЛОВ



Очиқ акциядорлик-тижорат ТУРОН БАНК ЖАМОАСИ

Ҳуртигимиздаги ҳетоз-мураббийларни

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини

билан табриклайди.

Сиз ағизларга келажакимиз эгалари бўлмиш

ёш авлодни ҳар томонлама етук, билимдон ва баркамол руҳда тарбиялашда
муваффақиятлар тилайди.

Бахтигиз иқбол доимий ҳамроҳингиз бўлсин!




Зомин тиббиёт коллежи жамоаси



озод Ўзбекистонимизнинг барча
ўқитувчи ва мураббийларини
касб байрамлари билан самимий
табриклайди.

Ҳаммага сиҳат-саломатлик ва
ишларида ривож тилайди.



Байрамингиз билан, азиз ҳамкасблар!

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси

озод ва ҳур ўлкамизнинг барча жонқуяр ҳамда фидойи
ўқитувчиларини, устозу мураббийларини
қувончли шоҳидона — қутлуғ айём
билан чин қалбдан табриклайди.

Азиз ҳамкасблар, ёш авлодни маънан етук, жисмонан
бақувват ҳамда ўз касбининг моҳир усталари этиб
тарбиялаш йўлидаги эзгу, лекин бағоят машаққатли
меҳнатингизда улкан омадлар тилаймиз.

Ҳеч қачон хонадонингизни тинчлик ва осудалик
тарк этмасин!






АТБ "Асака" банки

республикамизнинг ўқитувчи ва мураббийларини касб байрамлари билан қизгин табриклайди.

Азиз устозларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилайди. Машаққатли ва шу билан бирга шарафли фаолиятларингизда омад ёр бўлсин.

Ҳамиша юзингиздан меҳр нури ёғилиб турсин.



Байрамингиз
муборак,
азиз устозлар!



Сайлов қонунчилиги: ўзгартириш ва янгиликлар

Мустақиллик йилларида юртимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар изчил ва босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг илгор демократик тамойиллар асосидаги сайлов қонунчилиги яратилди. Жумладан, Бош қомусимизга ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига халқро ҳуқуқнинг сайловга оид илгор нормалари имплементация қилинди.

Фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб боришини уларнинг 1994, 1999 ва 2004 йилларда вакиллик органларига, 1991, 2000, 2007 йилларда ўтказилган Президент сайловларидаги иштироки ва сайловларнинг натижаларига қизиқишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ун саккиз йиллик мустақиллик даврида халқимизнинг ижтимоий ҳаётга, давлат ва жамият бошқарувида муносабати тубдан ўзгарди, улар онгиде демократик тафаккур шаклланди.

Маълумки, сайловлар жараёнининг энг асосий ва муҳим иштироки сиёсий партиялар ҳисобланади. 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилди. Жумладан, ушбу қонунга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сони 120 дан 150 нафарга кўпайтирилади. Келгусида парламент қуйи палатаси депутатларининг 135 нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экология ҳаракатидан сайланади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Экология ҳаракати янги сиёсий куч сифатида шаклланмоқда. Бу ҳаракатга катта ишонч ва юсак ваколат берилишининг муҳим шарт – юртимизда ҳам глобал муаммо ҳисобланган экология бузилишининг олдини олиш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмини жорий этишдан иборат.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов жараёнидаги иштирокининг бекор қилиниши ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Ушбу жараёни биз "сиёсий партиялар учун яратилган имконият" – дея баҳолашимиз мумкин. Эндиликда ташаббускор гуруҳларнинг аъзолари ўз қарашларини муайян партияга аъзо бўлган ҳолда ифода этади ёки ўзлари муносиб деб топган номзоднинг сайланишини бирор партиядан туриб амалга оширадилар.

Сайлов қонунчилигининг такомиллаштириши муносабати билан сиёсий партияларга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқиш пайтида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунларга янги – 17-модданинг киритилиши сайлов амалиётида ўзига хос янгилик ҳисобланади. Унга кўра, сиёсий партиянинг ваколатли вакили халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, шунингдек, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Ваколатли вакиллар овозларни санашининг ҳаққонийлигини назорат қилади.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш учун ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссиясининг "имзо варақаларидаги имзолар сохта-

лаштирилган" деган хулоса чиқариши учун асос бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодлар ишончли вакилларининг беш нафардан ўн нафарга оширилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларининг муваффақиятли кечишини таъминлайди, шунингдек, ҳар бир номзоднинг имкониятларини, дастур ҳамда гоёларини кенг очиб беришга хизмат қилади. Қолаверса, ишончли вакилларда сайлов округининг бутун ҳудуди бўйлаб сайловолди тарғиботи ва ташвиқотини ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Аксарият сайлов округларининг катта ҳудуд ва кўп сонли аҳолини қамраб олишларини инобатга олсак, бу ўзгаришлар ижобий натижа бериши табиийдир.

Сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши асосларига бўлган талабларнинг энгиллаштирилиши ҳам сайловнинг ўзига хос жиҳатидир. Илгари сиёсий партия сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши тўғрисидаги талаб тўрт ойлик муддат билан алмаштирилди. Илгари сайловда иштирок этишни хоҳлаган номзод камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирда депутатликка номзодини кўрсатиши мумкин эди. Янги қонунга кўра, бу талаб қирқ минг сайловчи имзосига келтирилди. Бу сиёсий партиялар учун муайян қулайликни вужудга келтиради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда халқро андозаларга мос келадиган, очик, ошқоқра сайловларни ўтказишга имконият яратадиган, жамиятда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, замон талабларига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилиги шаклланиб бормоқда.

Олимжон НУРМУХАММЕДОВ,
Адлия вазирлиги маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармасининг бош маслаҳатчиси.



"O'ZTRANSOIL"

акциядорлик компанияси
бошқаруви

мамлакатимиздаги таълим-тарбия масканларида, ўқув муассасаларида фаолият олиб бораётган барча устозларни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ шодиёнаси билан муборакбод этади. Кўнгилларимизда илму зиё гулханини ёқувчи азиз инсонлар, барчангизга узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз.



Денов — Сурхон воҳасининг энг йирик тумани. Бу ерда 300 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Воҳанинг субтропик минтақасида жойлашган бу сўлим маскан ўзининг географик жиҳатдан анча қулайликларга эга бўлгани боис вилоятнинг йирик саноат корхоналари, асосий ишлаб чиқариш потенциали ҳам шу ерда жойлашган. Бундан ташқари, туманда қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик, галлачилик, мева ва полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича ўзига хос мактаб яратилгани аллақачон эътироф этилган. Айниқса, деновлик чорвадорларнинг мустақиллик йилларида қорамолчиликни ривожлантириш, зотли молларни кўпайтириш борасида амалга ошираётган ишлари, бу соҳада эришаётган ютуқлари ҳақида республикамизда эшитмаган, билмаган киши бўлмаса керак. Эндиликда деновлик чорвадор фермерларнинг эришаётган юқори кўрсаткичларига манаман деган хоржилик фермерлар ҳам ҳавас қилса, арзийди.

Деярли барча жабҳаларда илғорликни қўлдан бой бермаётган деновликлар халқ таълими соҳасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширишмоқда. Эътироф этиш керакки, туманда таълимнинг барча соҳаларида ислохотлар самарадорлигини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ўтган ўқув йили якунига кўра, туман халқ таълими вилоят бўйича рейтинг жадалининг энг юқори қаторидан ўрин олди. Бундай ютуқлар ортида, албатта, катта жамоанинг, кўп сонли педагоглар, тажрибали устозларнинг заҳматли меҳнатлари тургани сир эмас.

Энди бевосита айрим статистик маълумотларга кўз югуртирайлик: бугунги кунда туман халқ таълими бўлими тасарруфида 91 та умумий ўрта таълим мактаби, 4 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 1 та футбол, 1 та санаторий мактаб-интернат, 57 та мактабгача ва 10 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактабларда 65541 нафар ўқувчига 4805 нафар малакали ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасаларида эса 321 нафар тарбиячилар юқори даражада таълим-тарбия бериб келаяптилар. Улар орасидан 3 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 2 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 2 нафари «Ёшлар мураббийси», 374 нафари «Халқ таълими алоҳиси» деган юсак шарафга эга бўлишгани, 13 нафар ўқитувчи мамлакатимизнинг турли хил орден ва медаллари билан тақдирлангани, айниқса, эътиборлидир.

Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан таълим самарадорлигини ошириш мақсадида иқтидорли ўқитувчилар иш тажрибасини оммалаштиришга, юқори самара бериши тажрибадан ўтган янгиларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилётгани таълимни янада ривожлантиришга, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини тезлаштиришга ўзига хос хизмат қилаётгани мутахассислар томонидан эътироф этилаётган. Худди шу мақсадда 2 йилдан буён ўқув йилининг якуни бўйича 21 йўналишда ўқитувчилар ва методбирлашмалар фаолияти мониторинг қилиниб, унинг якуний натижасига кўра, кучли ўнликни аниқлаш йўлга қўйилган. Ушбу ўнликка кирган мактаблар фаолияти тумандаги барча таълим муассасаларида кенг тарғиб қилинапти. Айниқса, Халқ таълими вазирлиги томонидан 2008-2009 ўқув йилининг «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» деб эълон қилиниши муносабати билан кўплаб тадбирлар, семинарлар ташкиллаштирилиб, уларда жами 652 та намунавий дарс ишланмалари, 216 та методик тавсиялар тайёрланди. 120 нафар ўқитувчининг илғор иш тажрибалари туман миқёсида, 20 нафар ўқитувчининг тажрибаси эса вилоят миқёсида оммалаштирилди. 30 йилдан буён 1-мактабда директор вазифасида фаолият кўрсатаётган илғор педагог, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибаси Хосият Қораеванинг иш тажрибаси эса республика миқёсида ҳам оммалаштирилмоқда.

Мактабларда таълим-тарбияда ҳам, мактаб спорти соҳасида ҳам кўлга киритилаётган ўзига хос ютуқлар нафақат Денов тумани, балки Сурхон воҳаси халқ таълимининг республика миқёсида ўзи ўрнини топишига туртки бўлаётганини алоҳида тилга олиш жоиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида уч нафар ўқитувчи «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови республика босқичида иштирок этиш шарафига муассар бўлди. 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернат ўқувчиси Фазлиддин Алёеров эса ҳуқуқшунослик фани бўйича республика фан олимпиадасида 3-ўринни олиб, имтиёзли таразда Тошкент давлат юридик институти талабаси бўлишга эришди. 2-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари Нурбек Жалилов ҳамда Абдугани Абдуназаровларнинг фан олимпиадасидаги иштироки ҳам муваффақиятли бўлди. Бундай юқори кўрсаткичлар қайд этилган рўйхатни яна узоқ давом эт-

тириш мумкин.

Албатта, туман халқ таълимида бу каби салмоқли натижаларга эришишда мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар учун етарли шароитлар яратилиши, ўқув жиҳозлари, хусусан, дарсликлар билан тўлиқ таъминланиши, давлат дастури асосида қайта қурилаётган, таъмирланаётган ўқув муассасаларида амалга оширилаётган



қурилиш ишлари сифатини доимий назорат қилиш катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, кейинги 5 йилда тумандаги 25 та умумтаълим мактабида янгидан қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилгани, жорий йилда яна 7 та мактаб реконструкция қилингани, бу мактаблар жаҳон андозаларига мос ўқув жиҳозла-

муш ўртоғи Нурмамат ака билан маслаҳатлашди. «Розилик беравер, — деди Нурмамат ака аёлига далда бериб. — Ахир 15 йиллик тажрибанг бор. Қолаверса, сенда раҳбарлик қобилияти ҳам йўқ эмас».

Шундай қилиб 1979 йилда мактаб директори лавозимига тайинланган Хосият опа ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга киришди.

Мактаб тараққиёт бешиги эканини чин дилдан ҳис этган директор ишни малакали кадрларни танлашдан бошлади. Кейин мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Дастлаб икки сотих ерда лимонарий ташкил этди. 70 сотих ер майдони олиб, ундан ҳар йили 2-3 мартадан ҳосил етиштир-

МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ

Эки Денов туман халқ таълими бўлими фаолиятидаги илғор тажриба хусусида

ри билан таъминлангани туманда халқ таълими соҳасини яқин йилларда бундан ҳам юқори даражага кўтариш имкониятини бериши шубҳасиз. Кўхна Денов азал-азалдан зиёлилар, олим-у, фузалолар юрти бўлган. Унинг бағрида вояга етган кўплаб олимлар, ижодкорлар илм-фаннинг, бадий ижоднинг ҳақиқий фидойилари сифатида элга танилган. Албатта, бугун халқ таълими тизимига кўрсатилган юсак эътибор ҳам келгусида етук мутахассислар етишиб чиқишида ўзига хос пойдевор бўлиши шубҳасиз. Бинобарин, таълим-тарбия борасида қилинаётган заррадек ибратомуз иш эртага ўз самарасини, мевасини бериши мукарраб.

Улуғ бахт

Ўқитувчилик эъзозли касб. Аммо бу эъзозга эришиш учун машаққатли йўллари босиб ўтишга тўғри келади. Шундай заҳматлардан чекинмай, шогирдларини комил инсонлар қилиб тарбиялаган, уларга пухта билим улашган устозлар эса ҳамиша эҳтиромга мушарраф бўлишади.

1964 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган Хосият Қораева ўзи туғилиб ўсган Денов туманидаги мактабларнинг бирида иш фаолиятини бошлади. Касбига бўлган қизиқиш уни ёшларга пухта билим беришга, уларнинг та-

ди. Қисқаси, у бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этди. Мана, 20 йилдики мактабни таъмирлаш, моддий базани бойитиш, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш, кутубхона фондиди бойитиш, ўқувчиларни вилоят ва республика танловлари ҳамда спорт мусобақаларига қатнашишлари учун айна шу жамғарма маблағлари асқотмоқда. Бир жиҳатдан қаралганда, бюджетдан ташқари жамғарма биринчи навбатда баъзи бир иқтисодий масалаларни мустақил ҳал қилишда каттагина наф беради. Қолаверса, кундашунда мактаб ҳаётида пайдо бўлиб турадиган арзимаган муаммолар ечими учун бюджет олдида қарамлик, боқимандаликдан қутқарувчи яхшигина манба ҳам ҳисобланади.

Яна бир мисол, 2007 йилда мактаб учун қўшимча уч хонали бино қуришга тўғри келди. Ишбилармон раҳбар қурилиш ишларида ҳеч иккиланмай қўшимча жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланди. 2008-2009 ўқув йилида эса 70 ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаб филиалини барпо этди. Қурилиш жараёнидаги баъзи бир етишмовчиликлар учун шахсий жамғармасини ҳам аяб ўтирмади. Энди ўйлаб қаралса, таълим-тарбия соҳасида бу каби ўзига хос янгиларни жорий қилиш учун раҳбарда нафақат ишбилармонлик, балки фидойилик, мактаб, таълим-тарбия манфаатини ўз манфаатидан ус-



факкурини юксалтиришга муносиб ҳисса қўлишга даъват этарди.

Хосият опадаги ташаббускорликни сезган туман халқ таълими бўлимининг ўша йиллардаги мудирини Карим Қодиров уни ўзи ишлаётган мактабга директор этиб тайинлаганини айтиди. Аммо Х. Қораева «Мен оддий ўқитувчи бўлсам, қандай қилиб мактаб жамоасини бошқарқан-ман?» дея иккилана бошлади. У тур-

тун кўя олиш каби хислатлар ҳам керак экан.

Хосият опа раҳбарлигидаги 1-сонли умумтаълим мактаби таълим соҳасида жорий этиладиган ҳар қандай янгилар, ўзгаришлар, ислохотларни амалда татбиқ этиш учун вилоятдаги асосий таянч мактаби сифатида эътироф этилган. Хусусан, бу таълим муассасаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимила-

САМАРА

Вилоятда ягона


бу билим ўчоғида 17 миллат

фарзандлари таълим олишади

Бизнинг мактабимиз нафақат Денов тумани, балки вилоятимизда ҳам алоҳида мавқега эга. Гап шундаки, 74-сонли умумтаълим ўрта мактаби Сурхондарёдаги рус тилига ихтисослашган ва таълим жараёни тўлиқ рус тилида олиб бориладиган ягона даргоҳдир. Айна пайтда бу ерда 700 нафар турли миллат болалари билим олишмоқда. Аслида, бу масканда билим олишни истовчилар жуда кўп. Мактаб жамоаси ҳамда ўқувчилари орасида 17 миллат вакиллари мавжуд. Уларнинг бир оила аъзоларидек аҳил-иноқликларини кўрган ҳар қандай одам ҳавас қилиши шубҳасиз. Узоқ йиллардан буён бу таълим ўчоғига вилоятимизнинг кўзга кўринган тажрибали педагоги Леонид Константинович Петров раҳбарлик қилиб келади.

Туманда қарийб 100 га яқин умумтаълим мактаби мавжуд. Улар орасида олдинги сафларда бўлиш осон эмаслигини жамоамиз яхши билади. Шунинг учун ҳам ишимизни ана шу мезондан туриб олиб боришга ҳаракат қиламиз. Ҳам ўқув тарбиявий жараёнда, ҳам жамоатчилик ишларида фол бўлиш нафақат ўқитувчи-педагоглар, балки ўқувчилардан ҳам талаб этилиши мактаб ҳаётида оддий ҳолга айланган. Албатта, бу каби қатъий талаблар фақат номигагина бўлаётгани йўқ.

Яқинда ташкил этилган тадбирда жорий йил давомида олиб борилган фаолиятимизнинг шу кунгача бўлган даври муҳокамаси кун тартибига қўйилди. Натижа эса, албатта, ижобий. Аввалги йиллардаги анъаналар давом эттирилган ҳолда кўпгина ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, шунингдек, бошқа йўналишдаги танловларда вилоят, республика миқёсида бу йил ҳам анчагина яхши кўрсаткичларга эришдилар. Хусусан, 9-синф ўқувчиси Кристина Максимович, 10-синф ўқувчиси Азиза Бекмуллина ҳамда 11-синф ўқувчиси Анастасия Рыбина рус тили фанидан ўтказилган олимпиаданинг вилоят босқичида голибликка эришишган бўлса, 10-синф ўқувчиси Шаҳзода Қурбонова 2-ўринни эгаллади. 6-синф ўқувчиси Азиз Расулов эса яққолашнинг таъқвандо тури бўйича ўтказилган республика мусобақасида фахрли 1-ўринни олиб вилоятимиз шарафини



роқ этгани фикримизнинг тасдиғидир.

Фидойи инсон, куюнчак раҳбар ҳамда тажрибали педагог Хосият Қораеванинг педагог сифатидаги 45 йиллик заҳматли меҳнати, халқ таълими тараққиёти ва ривожига қўшиб келаятган хизматлари ҳамиша ҳукуматимиз эътиборида, эл ардоғи ва назардадир. Бундан роппа-роса 9 йил муқаддам Президентимиз Фармони кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланган Хосият опа яқиндагина яна бир улуғ эҳтиромга сазовор бўлди. У ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ таълими соҳасидаги узоқ йиллик самарали меҳнати туфайли «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

— Мендек оддий бир ўзбек аёли учун эл хурмати, мамлакат раҳбарининг эътиборидан кўра улуғроқ бахт бўлмаса керак, — дейди Хосият опа. — Мен педагог, тарбиячи сифатида ўз вазифамни, бурчимни бажараяман, холос. Камтарона меҳнатимнинг бундай юсак эътиборга мушарраф бўлиши эса фаолиятимга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Ҳа, келажгимиз эгалари бўлган ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишни сидқидилдан бажараятган Хосият опа каби муаллимларнинг меҳнатини ҳар қанча улуғласак ҳам арзийди.

Бўри ФАРМОНОВ,
Денов туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси.

муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, тоғ туризми бўйича ҳам мактабимиз жамоаси республика мусобақасининг шохсупасидан жой олди.

Турли танловларда иштирок этиб яхши натижаларга эришишда устозлар ҳам ўқувчиларига ибрат бўлаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, мактабнинг тажрибали ўқитувчиларидан бири Ольга Петрова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг вилоят босқичида голибликни кўлга киритиб, танловнинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Ольга опанинг сафдошлари бўлган Людмила Емилянова, Ольга Кулиева, Елена Тургунова, Александр Ли каби устозлар ҳам ёш авлод таълим-тарбиясини умр мазмуни деб билишади.

Яна бир гап. Мактабимизда Давлат дастури доирасида капитал-таъмирлаш ишларининг амалга оширилгани биз ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар учун энг яхши тўхфа бўлди, десам янгилышмайман. Мактаб буюси таъмирдан чиққан, бу ерда ўқув-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш учун янада кенг имкониятлар пайдо бўлди. Юртимизда мактаб таълимига кўрсатилган бабу каби гамхўрликлар келгусида таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Рукия ҲАКИМОВА,
74-сонли умумтаълим мактаби директор ўринбосари.

Саҳифа материалларини «Hurriyat» мухбири Даврон ОРИПОВ тайёрлади. (R)



“МИКРОКРЕДИТБАНК” очик акциядорлик тижорат банки
 юртимизнинг илм-маърифат сарбонларини, барча устозларни
 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан муборакбод этади.



“МИКРОКРЕДИТБАНК” очик акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан **“ОНА ШАҲРИМ”**, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига **“ТАРАҚҚИЁТ”** ҳамда **“ФАРОВОНЛИК”** номли юқори фоизли омонат турларини жорий этди.

“Истеъмол жамғармаси” омонатига маблағ қўйган киши банкдан бир ярим ойдан сўнг шу маблағнинг уч баробари миқдорда истеъмол кредити олиши мумкин.

Олти ой муддатли — **“КАМАЛАК”**, 12 ойгача муддатли — **“ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА”**, 3 йилгача муддатли — **“САРМОЯ”** омонатларига маблағ қўйганлар фоиз суммаларини олишмаса ушбу фоизлар жамғармага ойма-ой қўшиб борилади, яъни капитализация қилинади.

Банкнинг **“МАҲСУС МЕХРИБОНЛИК”** омонати меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун аталган бўлса, **“МАҲСУС МАДАДҚОР”** омонати ижтимоий кам таъминланган оилаларда яшовчи жисмоний шахслар учун қулайлиқдир.

“БАХТЛИ БОЛАЛИК” омонати воёга етмаган болалар номига очилади, юқори фоизли **“НУРОНИЙ”** жамғармасига эса нафақа ёшидаги фуқаролардан маблағлар қабул қилинади.

Беш ой муддатли **“КАФОЛАТ”** ҳамда бир йил муддатли **“ИШОНЧ ПЛЮС”** омонатларига маблағлар фуқароларнинг хоҳишига қараб АҚШ долларида қабул қилинади.

Турли муддатли **“УНИВЕРСАЛ”** омонатига чет эл валюталарида маблағлар қабул қилинади.

Банкнинг пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган ва йиллик 20 фоиз даромад келтирадиган **“ҲАЗИНА-КАРТ”** омонати энг қулай ва замонавий омонат жамғармаси ҳисобланади.


Шунингдек, банк “Коммунал -Люкс”, “Ёшлик”, “Нурафшон”, “Кумуш тола”, “Омад”, “Она юрт” сингари жами —25 турдаги омонатларга маблағларни қабул этмоқда! Муҳими, улар ҳар бирининг ўзига хос имтиёзлари ва қулайликлари мавжуд!

Банкда бир ойдан тортиб 15 йиллик муддатгача бўлган омонатлар жорий этилган!

Омонатга қўйилган маблағ «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунга асосан давлат томонидан ҳимояланган ва омонатлар бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари таъминланади.

Қимматли мижозлар! «Микрокредитбанк» омонатларидан сиз учун, албатта, манзур бўлишига ишонамиз!

Маълумот учун телефонлар: (8.371) 273-77-14, 273-28-10



Хизматлар лицензияланган

ХУҚУҚ

Мерос қандай расмийлаштирилади?

? Ворислик ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш шартлари тўғрисида билмоқчи эдим. Бу масалалар юзасидан қонунчилигимизда қандай шартлар белгиланган?


Шайхназар ОТАБОВЕВ
 Гурлан тумани.

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш нотариал ҳаракатини фақат давлат нотариал идоралари нотариуслари амалга ошириши белгиланган. Хоразм вилоятида 15 та давлат нотариал идораси мавжуд бўлиб, уларда 24 нафар нотариус фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нотариал идораларнинг барчасида мерос ишлари расмийлаштириляпти. Масалан, ўтган йил вилоятдаги давлат нотариал идораларида 71 мингтадан зиёд нотариал ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, шундан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳномалар сони 863 тани ташкил этди.

Фуқаролар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олишлари учун давлат нотариал идораларига ёзма ариза билан мурожаат этишлари лозим. Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га ўтиши ворислик ҳисобланади.

Ворислик васият бўлмаган ҳолларда қонун бўйича мерос гувоҳномаси бериш орқали амалга оширилади. Нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтгандан кейин берилади.

Мерос гувоҳномасини олиш учун нотариусга меросхўрларнинг аризалари, вафот этган шахснинг ўлим гувоҳномаси, меросхўрларнинг вафот этган шахс билан қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси, суднинг қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳал қилув қарори), ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан маълумотнома, яшаш



жойидан маълумотномаларни топширади.

Меросни қабул қилиб олувчи фуқаро яшаш жойидан маълумотнома олиш вақтида ушбу ҳужжатда вафот этган фуқаронинг охириги яшаган ва вафот этган жойи аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, маълумотномани олаётган шахсдан ташқари вафот этган фуқаронинг бошқа меросхўрлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳам ҳужжат талаб этилади.

Масалан, Фуқаро Д.Отабоев 2008 йилда вафот этгач, унинг ўғли бўлмиш ягона меросхўри О.Отабоевга Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан отасидан қолган мулк учун меросга бўлган ҳуқуқ гувоҳномаси берилади. Чунки унинг онаси О.Манглиева турмуш ўртоғидан анча илгари 1975 йилда вафот этган эди.

Меросхўрлар таркиби кўп бўлган тақдирда мулк тенг ҳиссада бўлинади. Масалан, М.Раҳимов вафот этгач, турмуш ўртоғи Д.Акромова ва 6 нафар фарзандларига мерос мулкни расмийлаштириш лозим деб топилади. Бу ҳолатда Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотин мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Марҳумнинг бевасига уй-жойнинг иккидан бир қисмига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома, мерос мулкнинг қолган ярмига эса Д.Акромова ва 6 нафар фарзандларнинг тенг ҳиссада, яъни

еттидан бир қисмига меросхўр деб топилади.

Агар вафот этган фуқародан автомашина мерос қолган бўлса, автотеххизмат кўрсатиш бюросининг ҳулосаси давлат нотариал идорасига тақдим этилади. Агар вафот этган фуқародан акция мерос қолган бўлса, вафот этган фуқаронинг иш жойидан акциянинг мавжудлиги, ҳар бир акциянинг номинал суммаси, жами неча сўмлик акция мавжудлиги ҳақида маълумотнома, омонат кассаларида жамғарма пуллари қолган бўлса, омонат дафтрасининг асл нусхасини нотариусга тақдим қилиши лозим.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ворисларнинг хоҳишларига кўра, ҳаммаларига битта ёки ҳар бир вориснинг ҳиссасига қараб, алоҳида-алоҳида берилиши мумкин. Меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани олиш учун нотариусга мурожаат этмаган бўлса, унинг ҳиссаси очик қолдирилади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома фақатгина суднинг қарори билан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Мерос гувоҳномасини расмийлаштиришда биринчи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкнинг умумий суммасидан 0,3 фоиз, иккинчи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкнинг умумий суммасидан 1 фоиз, қолган меросхўрлар эса мерос мулкнинг умумий суммасидан 2 фоиз миқдорда давлат божи тўлайдилар. Бу тўловлар нотариус томонидан ундирилади. Қонун ва васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар уй-жойга берилса, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматида, автомашинага берилса, ИИБ ТРИБдан рўйхатдан ўтказилиши шарт. Агар мерос масаласи бўйича тортишув, баҳс ва низолар келиб чиқадиган бўлса, бу масала фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

Илхом ТўРАЕВ,
 Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами билан
Хоразм вилояти Урганч туманидаги
“Шоҳжаҳон мададкор”
хусусий корхонаси жамоаси барча устозларни
табриклайди. Уларга бахт-саодат,
узрок учир тилайди.

“Дўстликдон-маҳсулотлари”
акциядорлик
жамияти
жамоаси

мамлакатимизнинг барча устоз ва мураббийларини 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан табриклайди. Сиз меҳри қуёш инсонларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилайди. Ҳамиша шогирдларингизнинг, элимизнинг ардоғида бўлинг, азиз устозлар!

Бугунги кунда Фаргона вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги 900 дан зиёд умумтаълим мактабларида самарали меҳнат қилаётган 50 минг нафарга яқин ўқитувчи, устоз-мураббийлар ўз касб байрамларини кўтаринки руҳда қаршиламоқда.

Давлат умумтаълим дастури асосида ўз қиёфасини янгилаган ва барча қўлайликларга эга бўлган 900 дан зиёд шинам ва ҳашаматли мактабларда таълим-тарбия олаётган фарзандларимизнинг гулзун чеҳраларига боқиб, Юртбошимизнинг янги авлода кўрсатаётган гамхўрликлари беназир эканига яна бир қарра амин бўласиз.

Янги авлодни ҳар томонлама соғлом ва пухта билимли, давр талабларига тўлиқ жаваб бера оладиган даражада баркамол вояга етказиш бугунги ўқитувчининг муқаддас бурчидир. Ана шу заҳматли, машаққатли, бироқ бағоят шарафли вазифага камарбаста ўқитувчиларимиз фаолиятдан ҳар қанча сўзласак, арзийди, албатта.

Кўйида эса вилоят таълим муассасалари қаторида алоҳида ўз ўрнига эга бўлган Қува туман халқ таълими бўлими фаолияти ҳақида мухтасар сўз юритилади.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАД

Маълумки, таълим самарадорлигининг юксалиб бориши, ўқувчи ёшларининг замон талаблари даражасида билим олиши улар ўқиётган билим масканларининг замонавий қиёфасига, педагоглар ва илму толиблар учун яратилган имкониятлар кўламига, жумладан, ўқув-амалиёт машғулоти учун зарур жиҳозлар ва техник воситалар билан қай даражада таъминланганига боғлиқ.

Қува туман халқ таълими тасарруфидаги 66 та умумтаълим мактабининг қай бирида бўлманг, юқорида қайд этилган шарт-шароитлар муҳайё эканига ишонч ҳосил қиласиз. Бугун мазкур билим масканлари 40260 нафар ўғил-қизларни ўз бағрига олган. Уларга 3200 нафардан зиёд малакали ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Педагог кадрлар малакасини изчил ошириб бориш, улар меҳнатини кадрлаш ва рабатлантириб бориш, ибратли иш тажрибаларини тарғибот қилиш масалалари ҳам доим эътиборимизда. Ўқитувчиларимизнинг вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этишаётгани ҳам амалга ошираётган ишларимизнинг натижасидир. Айниқса, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови голиблигини кўлга киритаётганлар сафи йил сайин кўпайиб бораётипти. Яқинда улар қаторидан яна уч киши, яъни 59-мактаб ўқитувчиси Садоқат Йўлдошева, 2-мактаб ўқитувчиси Ойгул Қодиралиева ва 29-мактаб ўқитувчиси Улуғбек Олимовлар ўрин олишди. "Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича тўрт босқичли педагогик ўқиш" танловида эса яна тўрт ўқитувчимиз голибликни кўлга киритди. Шунингдек, педагогларимиз томонидан жорий йил мобайнида 578 та дарс ишланмаси, 106 та тавсиялар тайёрланди. 12-мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Лолахон

Иминчаеванинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилди.

Жамоамиз меҳнати самарасини ўқувчилар эришаётган ютуқлар билан ҳам белгилаш мумкин. Масалан, 2008-2009 ўқув йилидаги фан олимпиадаларида 3,5 минг нафарга яқин ўқувчиларимиз иштирок этиб, вилоят бўйи-



ча энг юқори натижаларни кўлга киритишди. Хусусан, тажрибали педагоглар Холисхон Усмонова ҳамда Йигитали Содиқовлар раҳбарлик қилаётган 62- ва 63-хитослашган мактаб-интернатларнинг йигит-қизлари ҳамisha асосий кўрсаткичлар бўйича пешқадам ҳисобланади. Жорий йилнинг ўзидаёқ бу мактаблардан 11 йиллик таълим олган битирувчи ёшларнинг 90 фоизга яқини тест синовларини муваффақиятли топшириб, мамлакатимиз олийгоҳларига ўқишга қабул қилингани ҳам

фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон, Европа ва Осиё мусобақаларида туманимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари орасидан чемпионликни кўлга киритганлари ҳам борлигидан бошимиз кўкка етган. Масалан, Нуриддин Тиллабоев (самбо), Муҳиддин Нуралиев (дзюдо), Равшан Мўйдинов ва Нодир Тешабоев (бокс), Акмал Қаримов ва Тоҳиржон Усмонов (кураш) ҳамда акробатика бўйича чемпионлар Наргиза Тўхтасинова, Камола Раҳмонова, Давлат Мерганов, Дилмурод Пўлатов ва Сардор Қодировлар номини фахр билан тилга олиш мумкин.



Мактабларимизнинг ён-атрофидаги фойдаланилмай ётган майдонларда болалар яратишга ҳаракат қилинапти. Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижросига қаратилган бу ташаббус кенг қанот ёйди. Ўқувчи ёшларимиз дарслардан бўш вақтларида мевали дарахтлар ўтказиш ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга, чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйишга ҳам киришдилар. Бу саъй-ҳаракат орқали биз болаларга меҳнатсеварлик, табиатни

севиш ва ардоқлаш ҳислатларини келтирилган улуг шараф эгалари — муаллимлар ҳам ўз билим зиёсидан барчани баҳраманд этишни умрларининг мазмуни, улкан бахт деб билишади. Мен билган муаллимлар, яъни Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактаб ўқитувчилари ҳам бутун ҳаётини ёшларни маърифат боғига етаклашга бағишлаганлар. Бу борда мактабининг собиқ директори Маъжид ака Акромов, Ўғилой опа Иномова, Ёдгор опа Юнусова, Муқаддас опа Абдумаликова каби устозларнинг хизмати беқиёс.

Бу улуг инсонлар қўлида билим ва тарбия олган ўқувчилар энг нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олишган ва олишмоқда. Мактабдаги муҳитни кузатар экансиз, бир ҳақиқатга амин бўласиз: бу даргоҳдаги мураббийлар билим бора-бора, изланиш борасида ҳар қандай етук тадқиқот-

2009-2010 ўқув йили мамлакатимиз таълим тизимида "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили" деб номланди. Буни халқ таълими тизимидаги таълим-тарбиянинг пировард мақсади, деб тушунмоқ лозим.


Агар таълим сифати кўнгилдагидек бўлса-ю, тарбия масаласи талаб даражасига кўтарила олмас, у ҳолда биз билим самарадорлигини кўлдан бой бериб қўйишимиз мумкин. Ўқувчи пухта таълим бериш билан бир қаторда унинг маънавий баркамол бўлиб етишиши ҳам жуда зарур. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мактабларимизда таълим ва тарбия уйғунлиги ҳамisha сақлаб келинади. Ёшларимиз онгига чинакам инсоний фазилатларни, шунингдек, ватанпарварлик, мустақиллик гоёларига садоқат руҳини синдириб бориш фаолият дастуриимизнинг асосини ташкил қилади.

Муқаддас СОБИРОВА,
Фаргона вилоят,
Қува туман халқ таълими бўлими мудири. ®

Меҳри улмоюн ДИЛ СЎЗ устозлар

Меҳр. Билим. Китоб. Шундай касб вакиллари борки, бу уч тушунча уларнинг бир умрлик ҳамроҳидир. Барча инсон зоти улардан бир умр қарздор, уларга таъзимда. Уларни кўпинча қўйишга тенглашади. Сабаби қўйиш ўз нурларини борлиққа улашар экан, эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди...

минг қувнаб, куйса гам чекадиган, бутун ҳаётини шу касбга бағишлаган улуг зотлар фаолият кўрсатишади. Уларнинг бир шогирди сифатида шуни айтмоқчиманки, устозларимиз биз учун ота-онамиз каби суюкли ва қадрдон, уларнинг ўғитлари эса ҳаёт дарслиги-



чилардан қолишмайди. Ушбу мактабда ёш бўлса-да, кучли билимга эга мутахассис, ўз иши-

нинг устаси сифатида танилган, қўлпаб ўқувчиларнинг талабалик бахтига мушарраф бўлишига катта ҳисса қўшган Муаттар Ёқубова ҳам болаларга чет тилидан сабоқ беради. Бундай заҳматкаш ўқитувчилар рўйхатини давом эттириш мумкин. Сабаби бу мактабда қўйишмишол беминнат зиё улашувчи, шогирди қувонса

Умида АБДУКАРИМОВА,
ЎЗМУ журналистика факультетининг 3-босқич талабаси.

Ушбу қароғубонлар

Устозлар ҳақида сўз борар экан, илк бора жажжи қўлларимиздан ушлаб, ёзишни, чизишни ўргатган ва аста-секин дунё сирларидан воқиф қила бошлаган меҳри уммон қалбли инсонлар кўз олдимизга келади. Ҳазрат Навоий бобомиз устозларни улуғлаб шундай ёзганлар:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак осон эмас ҳаққин адо юз ганж ила.

Мана шундай буюк шахсларнинг ҳам устозлари бўлган ва улар ўзларига таълим-тарбия берганларнинг олдида қарздорлик ҳиссини туйишган. Ҳа, дарҳақиқат, бу зотларнинг таърифини баён айлашга бетизгин сатрлар, бегубор мисралар, қўйингли, дунёдаги энг гўзал сўзлар ҳам ожиз бўлиши тайин. Улар берган билимлари, қилган ўғитлари нурафшон келажакка эришимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Илк бора мактаб остонасидан кирган болақайнинг қалбидаги ҳаяжонни ҳис қилиш учун бир зумгина болалikka қайтиш кифоя. Биз ҳам худди шу

жажжи ўғил-қизлар каби ийманибгина синфхонага кирганимизда, юзларидан нур ёғилиб турган устозлар бизни очик чеҳра билан кутиб олишмаганда, балки бу дамлар хотирамизда бир умрга муҳрланиб қолмасмиди?!

Ушунда мен ҳам тенгдошларим қатори ҳадиқ билан синф остонасига қадам қўйганимда Малика Жўраева (муаллиманинг исмини кейинроқ билганман, албатта) қўлларимдан тугтиб, партага ўтиргизган, ҳатто қалам ушлашни ҳам билмайдиган қўлларимга қўлларини қўйиб ёзишни ўргатганди. Кейинроқ эса Моҳира Шўкурова, Фариди Ҳамроева, Ибод Саъдуллаевлардан илм сирларини чуқурроқ ўргандим.

Чиндан ҳам ҳар бир шогирдига ота-она каби меҳр бериб, илм ўргатишдек машаққатли вазифани зиммасига олган инсонларни ҳар қанча улугласак кам. Уларнинг маслаҳат-у, ўғитлари бутун умримиз давомида ҳаёт йўлимизни чарогон этиб туради.

Шаҳрибону ИМОВОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.

ДАТ "Асака" банкининг
Жиззах вилоят филиали жамоаси

Ўқитувчилар ва мураббийларни касб байрамлари билан табриклайди. Сиз азизларга фақат яхшилик, эзгулик тилайди.

"Аму-Бухоро канал қурилиш" ҳиссадорлик жамиятига қарашли Жондор туманидаги 4-сон механизациялашган кўчма колоннаси ахли

мустақил республикамиз келажакги угун ётук ва ҳар томонлама кочил авлодни тарбиялаётган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларимизни касб байрамлари билан гин дилдан қўтлайди.

Бахтиямизга ҳаттиша омон бўлинг, устозлар!

Жиззах тиббиёт коллежи жамоаси

Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан барча халқкаларини салимий мувоваққат этади.

Азиз устозларнинг жаминки эзгу ишлари амалга ошишига доимо тилакдор эканини изҳор этади.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ЭЪТИРОФ

“ЖАҲОНДА БЎЛМАСА МУАЛЛИМ АГАР...”

Мактабда ҳарф танишимизга сабабчи бўлган ўқитувчимизни, илм ва тарбия берган устозларимизни орадан қанча йиллар ўтса-да, унутмаймиз. Катта ҳаётга қадам қўйиб, касб этагидан

тутишимизда бизга елкадош бўлган устозимиз ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаймиз. Олий ўқув юртида маърузалари билан ҳайратда қолдирган ўқитувчиларимиз таърифни-ку, айтиб адо қила

олмаймиз. Алқисса, устоз ва мураббийларга ҳамиша ҳурматимиз чексиз. Уларни аслида нафақат байрамларида, балки ҳамма вақт ҳам эслаймиз, эъзозлаймиз, соғинамиз.

Фанижон Тошматов “академия”си

Замира СУЮНОВА, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси доценти:

— Қашқадарёнинг чекка қишлоғида туғилиб ўсган қизнинг санъаткор бўлиб кетишига ким сабаб бўлган дерсиз? Она тили ва адабиётдан дарс берган отам мени Тошкентдаги мусиқа мактабига етаклаб келганида эндигина ўн бир ёшга тўлган ўқувчи эдим. Мусиқа мактабини битиргач, таҳсилни консерваторияда давом эттирдим.

Санъатдаги биринчи устозим — Дуторчи қизлар ансамбли асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматов. Биз у кишини домла деб атардик. Устозимиз билмаган нарсанинг ўзи йўқ эди: қўшиқчилик, мусиқа, рақс билан бирга овқатни қандай қилиш-у, чойни қандай дамлашни ҳам



эринмасдан ўргатарди. Дуторчи қизлар ансамбли бизга санъат ва ҳаёт академияси бўлди.

Домла аскияда ҳам тенгсиз эди. У киши билан боғлиқ кўп воқеалар оғиздан-оғизга ўтиб юриши бежиз эмас. Мана шундай воқеалардан бири. Репетиция кетаётган пайт. Домла оdatига кўра ансамблининг ҳар бир аъзоси ижросини текшириб юрибди. Кўрик навбати қизларимиздан бирига келди. Домланинг салобати босдим, дуторда “Дилхирож”ни чалаётган қизимиз юқори пардага келганда, қуйи пардага туша олмасдан тўхтаб қолди. Шунда домла аския қилишдан ўзларини тўхтата олмади: “Парда тугадими, унда кўшнинг дуторига ўтиб чалавер!”

Санъатда менга устозлик қилган Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Абдуҳошим Исмоиловдан ҳам миннатдорман.


Қўшиқчиликда устоз-шогирдлик муҳим аҳамиятга эга. Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар дейишади-ку. Ҳозир, афсуски, ана шундай устоз кўрмасдан ҳар мақомга йўрғалаётган ёшлар кўпайиб кетди. Санъатда ўз ўрнини топаман, умрбоқий қўшиқлар яратаман деган ижодкор кучли устознинг этагидан тутиши керак.

Япония. Самарқанд нонининг оғизда қолган таъми

Шокир ФАРМОНОВ, академик, Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти Эҳтимоллар назарияси бўлими мудири, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби:

— Фарғона педагогика институтида ўқиб юрган пайтими — 1961 йили тақдиримни ўзгартириб юборган ҳодиса рўй берди. Давлат имтиҳонини олиш учун институтга Тошкентдан академик Саъди Сирожиддинов келди. Имтиҳонлар пайти домла ўнлаб талабалар орасидан мени танлаб олди ва Тошкентда ўқишга тақлиф қилди. Бу инсон билан кўришганим бахтим ва ютуғим бўлди.

Саъди Сирожиддинов математика фани ривожига ўчмас из қолдирган олим. Устозимиз республикада математика бўйича биринчи фан олимпиадасини таш-



қил қилди. 1970-йилларда Тошкентда иқтидорли болалар мактабига асос солди (ҳозирда академик лицейга айланган мазкур ўқув даргоҳи устоз номи билан аталади). Фаввос сув остидан жавоҳирлар қидиргани каби домла ҳам ёшлар орасидан истеъдодлиларни қидириб чарчамасди. У киши Тошкент давлат университетига ректорлик қилди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти бўлди. Математикада пешқадам олимлар бўлиб етишган академиклар — Турсунхўжа Азалар, Тўхтамурад Жўраев, Маҳмуд Салоҳиддинов, Нўмон Сотимов, Жавоғ Ҳожиёв ҳам у кишининг шогирдлари.


...1986 йили Японияга халқаро анжуманга бирга бордик. Илмий мажлисларни тугатиб, меҳмонхонага қайганимизда домла хонасига тақлиф қилди. Хонага кирганимизда, “Шокирбой, мусофир рортнинг овқати эканми, ўзимизнинг Самарқанд нонига нима етсин!” деди ва йўл жомадонидан чорсига ўралган нонни авайлабгина очди. Устоз-шогирд Ватан бўйи келиб турган нонни баҳам кўрдик. Кунчиқар юртда ейилган ноннинг таъми ҳозир ҳам оғзимдан кетмайди. Ҳа, Саъди Сирожиддинов Ватанини чин дилдан севган миллатпарвар олим эди.

Яхшиликка ўргатувчи, ёмонликдан қайтарувчи зот

Абдуразоқ ҲОЖИ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг уринбосари:

— Бизларни яхшиликка ўргатувчи, ёмонликдан қайтарувчи, илму ҳикматдан сабоқ берувчи устоз, мураббийларга ҳар қанча ҳурмат кўрсатсак ҳам оз. Халқимизда устоз отангдек улуг деган гап бор. Чиндан ҳам ота инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга маънавий камолот йўлини кўрсатади. Улуг ҳикматларда яхшилик ва фойдали илми ўргатувчи инсонга само ва ер аҳли, ҳаттоки индидаги чумоли, денгиздаги балиқ ҳам салават айтиб туриши таъкидланади. Таассуфки, орамизда устоз ва мураббийликнинг захматини англамасдан уларга ҳурматсизлик қиладиган шогирдлар ҳам учраб туради.

Яқинда диний идорага ёши улуг отахон кириб кел-



ди ва бир ҳодисани айтиб берди. Етмишларни қоралаган отахон мактабда салкам эллик йил дарс берган экан. У кишининг ҳикоя қилишича, яқинда бозорга тушиб набираларга ул-бул олиб, бекатда турганида хорижий русумдаги бир машина келиб тўхтади. Хайдовчи олд эшигини оңганича, уч-тўрт марта сигнал берибди. Отахон ҳайрон бўлиб турганида, машина эгаси қўлини бизгиз қилганича “Сизни қаҳраман, сизни” дебди. Кекса муаллим сумкани кўтарганича машинага яқинлашибди. Маълум бўлишича, бу домланинг бир пайтлар дарс берган ўқувчиси экан. “Ҳа, домла” дебди йигит беписандлик билан. — “Эсингиздами, менга “ики” кўйгандингиз. Мана, бугун сиз ҳали ҳам ўша шляпани кийиб, эски туфлини судраб юрибсиз. Мен бўлса, кўриб турибсиз, бойиб кетдим” деб таъна-у, маломатлар қилибди. Сўнг эшикни қаттиқ ёпиб, жўнаб қолибди...

Бу каби ўқитувчиси юзига оёқ кўйганларга айта-мизки, инсон ҳайси лавозимга эришмасин, устози олдида шогирдлик маконида қолиши керак. Устозига ҳурматсизлик қилган шогирднинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди, ҳар қанча чиранмасин, узоққа бормайди.

Абдул БОСИТ тайёрлади.


ФИЛИППИНГА ДОВУЛ БОСТИРИБ КЕЛДИ



Айни пайтда Филиппинга тропик довуллар хавф солмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, табиий офат туфайли 100 дан ортқ одам ҳалок бўлган. Бундан ташқари, турли манбаларда 32 киши бедарак йўқолгани айтилмоқда. Ҳозирда тропик довуллар сабаб 500 минг нафарга яқин аҳоли ўз уй-жойини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Филиппинга ҳар йили ўртача 20 га яқин тайфун ва тропик довуллар “хужум” қилиб туради.

ЭРОНДА БАЛЛИСТИК РАКЕТА ЯРАТИЛДИ



Эронда икки минг километрлик нишонни йўқ қилишга қодир “Саджил-3” русумли баллистик ракета синовдан ўтказилди. Бу ҳақда “FARS” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фарб экспертларининг билдиришича, “Саджил” Россия, Хитой ёки Покистон ракеталарига ўхшамайди. Эрон мутахассислари китъаларо ракеталар яратишда умуман бошқача йўлдан боришмоқда.

Расмий Техрон ушбу ракета фақатгина мамлакат мудофаса тизimini мустаҳкамлаш мақсадида яратилганини маълум қилди.

ФАНГА НОМАЪЛУМ ДУНЁ ТОПИЛДИ

Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган Хиндихитой ярим оролида олимлар шу пайтга қадар фанга номаълум бўлган 163 та ўсимлик ва ҳайвонот турлари мавжудлигини аниқлашди. Айтиш лозимки, ўтган йилда ҳам бу ердан 100 га яқин ҳайвонлар турлари топилган эди.

Таъкидлаш лозимки, ярим оролда жойлашган Вьетнам, Лаос ва




Мьянмада сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида юз берган ҳарбий тўқнашулар сабаб олимлар бу ерда барқарор тадқиқотлар олиб бориша олмаётган эдилар. Ёввойи табиат халқаро жағфармаси бу минтақада жойлашган мамлакатлар ҳукуматларига мурожаат қилиб, минтақадаги нобб қилишвор ва ўсимликларни ҳимоя қилишда ҳамкорликка чақирди.

САМОЛЁТ МАНЗИЛГАЧА ЕТОЛМАДИ

“Singapore Airlines” авиакомпанияси қарашли “Airbus A380” самолёти Париждан Сингапурга парвозни амалга ошираётган пайтда двигателлардан бири тўсатдан ишламай қолган. Шундан сўнг мазкур ҳаво лайнери яна Парижга қайтишга мажбур бўлган. Маълумотларга қараганда, “Airbus A380” ерга муваффақиятли қўндирилган.

Авиакомпания вакилининг билдиришича, “Airbus A380” жорий йил бошидан буён мунтазам қат-



ДАРАКЛАР

новни амалга оширган ва бу давр мобайнида ҳеч қандай носозлик кузатилмаган. Ҳозирда мазкур ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

БЛЭР ПУЛ ТОПИШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИНИ ЎЙЛАБ ТОПДИ



Буюк Британия собиқ бош вазири Тони Блэр пул топишнинг янгича усулини ўйлаб топди, деб ёзади “The Daily Mail” газетаси. У маълум микродордаги ҳақ эвазига хоҳловчилар билан суратга тушишни режалаштирмоқда. Тони Блэр октябр ойида Канадада нутқ сўзлашни ҳамда у билан суратга тушмоқчи бўлганлар учун махсус маросим ўтказишни мўлжалламоқда. Ушбу тadbирга кириш учун ҳар бир киши 180 долларга чикан сотиб олиши лозим.

ЭСТОНИЯ МИЛЛИАРДЛАРИ

Эстонияда бир миллиард крон (64 миллион евро) маблағи бор бойлар сони 2009 йилда салкам тенг яримга қисқарган. Ҳозир улар 22 нафарни ташкил этмоқда. Утган йили миллиардерлар 42 нафар эди. Бу ҳақда саккиз йилдан буён миллиардерлар рўйхатини эълон қилиб келаётган “Aripaev” журнали хабар тарқатди.

РИА Новости хабарида айтилишича, Эстониядаги энг бой одамлар рўйхатининг бошида мамлакатдаги қурилиш компанияси эгаси Томас Аннус турибди. Унинг бойлиги 2,641 миллиард крон (170 миллион евро) ни ташкил этади.

Рўйхатнинг иккинчи ўрнини эгаллаб турган Балтика кема таъмирлаш корхонаси бош акционерни Федор Берман 2,521 миллиард крон (160 миллион евро) маблағга эга. Бошқа давлатлар каби Эстония ҳам иқтисодий инқироздан жиддий зарар кўрди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида мамлакатда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш 16,1 фоизга тушиб кетди.

ТАФСИЛОТ

Муаммо ечимини топдимми?

Салкам тўққиз йилдирки, АҚШнинг ракетага қарши ҳимоя тизими ва радарларини Чехия ва Польша ҳудудига жойлаштириш ҳақида гап борарди. Лекин масала якунига етмай келаётганди. Бунинг бир неча сабаблари бор эди, албатта. Аввало, Европадаги барча давлатлар ҳам Америка қуролининг Европада ўрнатилишига рози эмасди. Шунингдек, Чехия ва Польшанинг ўзида ҳам аҳоли ўртасида норозиликлар кучайган эди. Бундан ташқари, Россия ҳам ўз чегаралари яқинига бундай қурол ўрнатилишига тиш-тирноғи билан қаршилик қиладиганди. Ҳатто Европада АҚШ ракетага қарши тизими ўрнатилмайдиган бўлса, Калининград вилояти ҳудудига “Искандер” русумли ракеталарини ўрнатиш режасини ҳам ишлаб чиққанди. Хуллас, узоқ йиллардан буён бу муаммо ечимини топмай келаётган эди.


Икки ҳафта бурун XXI а с р н и н г глобал муаммолари-дан бирига айланган мазкур масалани узоқ-кесил яқун ясалди. АҚШ ҳозирча ўз режаларидан воз кечганини маълум қилди.

Авалл The Wall Street Journal Барак Обама маъмуриятига яқин кишилардан олинган маълумотларга асосланиб, АҚШ Чехия ва Польшага ракетага қарши тизим ва радарлар ўрнатиш режасини номаълум вақтгача кечиктиргани ҳақидаги хабарни тарқатди. Орадан кўп ўтмай жаҳон оммавий ахборот воситаларида Барак Обаманинг Чехия бош вазири Ян Фишерга тунда кўнғироқ қилиб, Оқ уй ўз режасидан воз кечгани ҳақида маълум қилгани тўғрисидаги хабар пайдо бўлди. Эртаси кун эса Вашингтондан Прага ва Варшавага АҚШ расмий делегацияси ташриф буюрди. Улар энди қуролни жойлаштириш эмас, балки бу режани бекор қилиш ҳақида шартнома тузишга келишди.

Сўнгги кунларнинг таъкидлашича, АҚШ стратегик режаларининг бирдан ўзгаришига сабаб илгари Эроннинг ҳарбий имкониятларига катта баҳо берилгани бўлган. Ҳақиқатда эса ҳозир

Эрон Европада ҳам, Америка Қўшма Штатларига ҳам ҳеч қандай хавф сола олмайди. Албатта, бу хабар қўллаб европалик сиёсатчилар учун қутилмаган воқеа эмасди. Бир неча

Александр Квасъневский, Март Лаар, Вайра Вике-Фрейберга ва бошқалар имзо чеккан ҳатда. Уларнинг таъкидлашича, Вашингтон Москванинг эътирозларига эмас, европаликларнинг фикрла-



ойдан буён Европа мамлакатлари пойтахтларида жуда қиммат турадиган ушбу лойиҳа режаси тўхташи мумкинлиги ҳақида гаплар юрганди. Шунинг учун жорий йилнинг 16 июль кунини Шарқий Европа мамлакатлари раҳбарларининг бир гуруҳи Барак Обамага очик хат билан мурожаат қилди. “Бизни Москва билан яккама-якка ташлаб қўймай. Ракетага қарши тизимни ўрнатиш режасини тўхтатиш ҳақида ўйламанг ҳам”, дейилган-ди Валдас Адамкус, Лех Валенса, Вацлав Гавел, рига қулоқ солиши керак. Шунга қарамай, АҚШ ўз режасидан воз кечишга қарор қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Самарқанд вилоят Пастдарғом туман педагогика коллежи жамоаси



барча ҳамкасбларини умумхалқ айёми — ўқитувчилар ва мураббийлар кунини қутлайди. Бахт, омад ва зафарлар ёр бўлсин!

ИНСОНИЙЛИК МАКТАБИ

ёки профессор Холмирза Холиёровни эслаб...

Ҳар бир халқнинг шундай фарзандлари бўладики, уларсиз миллатиц, элатни тасаввур қилиб бўлмайди. Миллат характери, унинг ўзига хос сифатлари ана шундай кишиларнинг яшаш тарзи, руҳияти, маънавий оламида акс этади. Уларсиз миллат халқ бўлмайди.

Биз тилга олмоқчи бўлган инсон ҳам элимизнинг ана шундай фарзандларидан бири эди. У киши бир кам саксон ёшда давра қилди.

Уни Сурхондарёда билмайдиган одам камдан-кам топиларди, чунки у умр бўйи одамларга яхшилик қилиб яшайди. Масъулиятли лавозимларда ишлаганида ҳам бирор кишининг кўнглини огритмади. Ўз ҳаёт тарзи билан фарзандларига, шогирдларига, умуман, замондошларига қандай яшаш кераклигини ўргатди. Қахрамонимизнинг узоқ йиллик илмий-педагогик фаолиятига назар ташлаб, шогирдларининг устоз ҳақидаги ҳикояларини тинглаб, у кишини Макаренко, Сухамлинский каби машҳур педагоглар қаторига қўшигим келади.

Устоз мажлис-машваратларда ҳар бир муаммони ётиги билан батафсил ташаббуслар, унинг фикрига қўшилмаган ёки унга қарши чиққан кишилар билан ҳам тортишиб-талашиб ўтирмас, "Бир кун келиб ўзи ташаббуслар..." деб қўярди.

Баъзан ҳаётда қўтилмаган ҳолатлар юз беради: дўстлар душманга айланиши мумкин. У кишининг ҳаётида ҳам шундай воқеалар содир бўлганида улар ҳақида ҳеч нарса демас, ҳеч кимни ёмонламасди. Сабабини сўраганларида, "Худо

ҳар кимнинг инсофини берсин", деб қўя қоларди. Улар пушаймон бўлиб "қайтганларидан", кўрагидан итармади, гина-кудурат қилмади. Худди орадан ҳеч гап ўтмагандек, яна бағрини очди.

Қандай лавозимда ишлагани, қўл остидагиларга ўз "мен"ини "кўрсатиб қўйишга", кишиларнинг камчиликларини юзига солиб, бирор ҳолатда ўтказган яхшиликларини таъна қилиб, тилини қисик қилишга уринмади.

Бутун умри ҳалол, пок, яхшиликка ишонч, эртанги кунга умид билан яшаган ҳақиқий ўзбек зиёлисининг ҳаёт йўли бўлди. У одамларга ҳеч қачон мансаби, бойлиги, ижтимоий келиб чиқишига қараб ёки бирор-бир шахсий манфаат, илжинч нуқтаи назаридан муомала қилмади. Уни авваломбор инсондаги одаимийлик, иқтидор, меҳнатсеварлик қизиқтирди. Олим мураббий сифатида кишилардаги ана шу ижобий томонларнинг ривожига, камол топишига кўмак беради, бунинг учун у доимо имкон топарди. Баъзан суҳбатдошининг ана шу хислатларини айтиб, унинг кўнглини кўтарар, далда беради. Устознинг бундан мақсади асло бировга ёки эмасди. Бинобарин, у бу ишни ўша киши тирикчилик

ташвишлари билан бўлиб, ўзидаги мавжуд яхши хислатларни, иқтидорини унутиб қўймасин деган ниятда қиларди.

Мен устознинг бу одатини аввал тушунмасдим: бундай йўл тутишнинг нима кераги бор, деб ўйлардим. Фикримча, кўплар маълум бир ёшга боргач, ўзининг нимага қодир, нимага қодир эмаслигини англаб етади. Шунга қараб, умрини режалаштиради. Ўзини ҳам, ўзгани ҳам англамаган, умри бўйи ичини ҳасад тирнаб яшайдиган одамларга гапирдинг нима-ю, гапирмадинг нима: уларга сарфланган олтин дақиқалар бекор кетади. Бундайлар, барибир, инсон умрининг эғови, тараққиёт тўғаноғи бўлиб қолаверади. Халқимиз уриб бўлмас хўжани, сўкиб бўлмас хўжани — худо урсин хўжани, деб шундай кишилар ҳақида айтган бўлса, ажаб эмас.

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи шундаки, у ўзгариш, мушоҳада қилиш ва ҳақиқатни англаш имкониятига эга. Мен буни жорий йилнинг 7 май кунини мўъжазгина ҳовлида юзлаб одамлар орасида туриб устоз билан хайрлашаётганда, унинг тенгдошлари, шогирдларининг алвидо деган сўзларини тинглаб, чуқур англаб етгандай бўлдим. Бундай улғу мураббийлар юртимизга яна кўпроқ насиб этишини орзу қилдим, буни чин юракдан Аллоҳдан илтижо қилдим.

Юқоридаги гаплар Термиз давлат университетининг профессори, марҳум Холмирза Холиёров ҳақида эканини кўпчилик сезган

бўлса керак. Устоз фаолиятининг 12 йили Самарқанд давлат университети билан боғлиқ. Унинг беш йили талабалик даври бўлса, қолган йилларида домла университети ўзбек тили кафедрасининг ассистенти, катта ўқитувчиси, доценти, сўнг филология факультети декани бўлиб ишлади. Х.Холиёровнинг СамДУ билан илмий ҳамкорлиги у Термиз ДПИ ректори (1966-1970), виллоят миқёсидаги масъулиятли вазифа (1971-1985), халқ таълими вазири ўринбосари (1985-1988) лавозимларида ишлаганида ҳам, кейин Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқарган йилларида ҳам давом этди.

Домланинг кўп суҳбатларида иштирок этишга муяссар бўлганман. Раҳбарлик ҳақида у кишининг ўз қарашлари бор эди. Раҳбар — аввало мураббий. У ўз иш жойида том маънодаги жамоа ярата олиши лозим. Раҳбарлар икки турга бўлинади: бири ўз мансабида узоқроқ муддат ўтириш, атрофига бир тўда ўзига "яқин", аммо мутахассис сифатида малакаси кам одамларни йиғиб олиб, уларга юқори маошлар тайинлайди ва қонунга зид бўлган ишларни ҳам бажараверади. Бу ҳақда ҳазрат Навойнинг "Фоний" девонидан шундай сатрлар бор:

Сўз ташувчи кимса озор бергувчи ёвдир сенга, Тил эса тил жонга ботган, оғзида заққум сўлак.

Раҳбарларнинг иқкинчи тури — ишни, жамоани, Ватан истиқболини ўйлайди. Улар ҳар бир ходимга вази-

фаси, бурчида бўлган муносабатига, қобилиятига қараб объектив баҳо беради. Шу боис бундай раҳбарларнинг эл орасида ҳурмати кундан-кунга ошиб, ишлари олдинга кетаверади.

Инсоннинг умри икки жойда ўтади: уйда ва иш жойида. Ходимлари бир-бирига ёв бўлган жамоада ишлаш билан дўзах азобининг унча фарқи бўлмаса керак, — дерди домла ярим ҳазил, ярим чин қилиб. — Худди байрамга бораётгандай ишга жўнайидиган кишилар — бахтли одамлар. Бундай жамоани яратиш эса раҳбарнинг салоҳияти, маънавий камолоти, одаимийлиги, Ватанга, юртдошларига муҳаббатига боғлиқ.


Қанийди, жамиятдаги ҳар бир киши худди устоздек ўзгалар кўнглига озор бермай, Ватан, ҳаёт зиммасига юклаган вазифаларни виждонан, ҳалол бажариб яшаса эди, ҳаётимиз яна ҳам гўзал бўлмасмиди?! Кўплаб олим-у мураббийларга устозлик қилган домла Х.Холиёров ўз тарбия мактабини яратиб кетди. Айни пайтда у кишининг шогирдлари нафақат Сурхондарёда, балки республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаёпти. Уларнинг ҳар бири ана шу мактабнинг давомчисидир. Мен домланинг ўзи билан ҳам, шогирдларидан баъзилари билан ҳам ёнма-ён ишладим. Ҳозир ҳам ишлаяпман. Уларнинг аксариятида ҳокисорлик, юксак инсонийлик, касбига фидойилик сифатларини кўрар эканман, ҳали бу мактаб юрт учун юзлаб Холиёровларни тарбиялаб вояга етказишига амин бўламан.

Бозор Илёс ал-АМИН



Ромитан саноат касб-ҳунар коллежи жамоаси

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан барфа устоз ва мураббийларни қизини муборакбод этиб, самимий тилакларини изҳор этади. Фидойилигини ва Заҳматли меҳнатини, ақл-заковат ва билиминини билан она дийримизини баркамол авлодини тарбиялашда муносиб хисса қўшаётган азиз ҳамкасблар, айёминини кутлуғ бўлсин!



O'ZSANOATQURILISHBANK



“Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик тижорат банки жамоаси

юртимиздаги барча зиёлиларни, халқимизни
1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ билан муборакбод этади.

Устоз ва мураббий!.. Бу сўзларни эшитган ҳар қандай кишининг кўнглида чексиз ҳурмат, меҳр туйғулари жўш уради.

Тилагимиз доимо бор бўлинг, элимизнинг ардоғида юринг.

Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат ва албатта фарзандларингизнинг, шогирдларингизнинг бахту камолини кўриш насиб этаверсин!



ИСТИҚЛОЛ ИМКОНЯТЛАРИ

КАСБИ — ЯНГИЛАНИШЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятининг Касби туманида ҳам қишлоқлар инфратузилмасини яхшилашга, аҳолининг турмуш маданиятини янада юксалтиришга муштақиллик ишларида алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқларда бирин-кетин қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва коллежлар қад кўтара бошлади. Илгаридан мавжуд бўлган таълим масканлари қайта реконструкция қилинди, айримлари капитал таъмирланди. Хонадонларга табиий газ, тоза ичимлик суви қуёурлари тортилди. Кўчаларга асфальт ётқизиш, шағал тўкиб, текислаш ишларига эътибор кучайди.


Бу саяё-ҳаракатларнинг натижаси ўларок, қишлоқ одамлари онгида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Энди

фаол қатнаша бошлади.

— Бизда 56 та қишлоқ мавжуд, — дейди туман ҳокими Фурқат Шарипов. — 39 минг 40

та мактаб жорий ёки капитал ёхуд қайта реконструкция қилиниб, ажратилган 3 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ тўлиқ ўзлаштирилган чиндан ҳам қувонарли ҳол. Туман марказий

қуриб битказилиши режалаштирилган. Утган 6 ой ичида улардан 36 таси бунёд этилди. Бундан ташқари 11 та балиқчилик, 4 та асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари иш



шифохонасига жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2 та янги "Дамас" автомашинаси ва 268 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлари келтирилгани, туман болалар шифохонасидаги қурилиш-таъмирлаш ишларига ҳомийларни жалб этиш йўли билан 96 миллион сўмлик маблағнинг сарфланиши мақташга арзигуликдир, албатта.

Шунингдек, 7 миллион сўмлик маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига 3 километр масофадаги қишлоқ йўлларининг асфальтлаштирилиши, 1991 йилгача қурилган 6 та кўп қаватли уйлардан 5 тасининг қайта таъмирланиши ҳам ишлар жадал олиб борилаётганидан далолат беради.

Туман қишлоқларида 56 та савдо дўкони, сартарошхоналар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш масканлари, кўплаб тикувчилик цехлари, телерадио тузатиш, компьютерларни таъмирлаш устахоналарининг фаолият кўрсатаётгани ҳам аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 212 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари очилди. Йил охиригача улар сонини 300 дан ошириш кўзда тутилапти.


Шунингдек, бу йил 5 та катта, 62 та кичик иссиқхоналар

бошлади. 1450 дехқон хўжалигининг 1169 таси (чорвачиликда 18 та, саноат ва қурилиш соҳалари бўйича 54 та тадбиркорлик субъектлари) рўйхатга олинди ва уларга 1 миллиард 277 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Тумандаги 3 та саноат корхонасини кенгайтириш мақсадида 30 миллион сўмлик модернизация ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ойига 60 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган "Ихлос ҳалол пишлоқ" хусусий корхонаси ҳам фаолиятини бошлади. "Баротов Даврон Саидович" номли фермер хўжалигига 40 миллион сўмлик сутни қайта ишловчи технологияни ўрнатиш учун лойиҳа ҳужжатларининг расмийлаштирилаётгани қишлоқ аҳолисининг ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қизиқаётганидан далолат бериб турибди.

Айтиш мумкинки, қайси туман раҳбари давр билан ҳамнафас яшашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг халқпарварлик, юртпарварлик жиҳатларини илғай олса, ўша ерда юксалиш бўлади. Бунинг ёрқин мисолини касбиликлар ҳаёти мисолида кўриш мумкин.

Сафарали ХАЙДАР ўғли ®



Отажон Худойшукуров номидаги Элликқалъа санъат ва педагогика коллежи жамоаси

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

билан озод диёримиздаги барча устоз-муаллимларни самимий табриклайди. Бахт-саодат, соғлиқ ва янги зафарлар ҳамроҳингиз бўлаверсин!



улар бирор воқеликка муносабат билдиришда, ўзларини тутишда анча дадил бўлиб, кийиниш маданиятига ҳам эътибор бера бошладилар.

Касбиликларни шўро давридаги гафлат уйқусидан уйғотиш осон бўлмади, албатта. Режалар ишлаб чиқилди, топшириқлар берилди. Кимнидир мақташга, яна кимдандир қаттиқроқ талаб қилишга тўғри келди. Шундай қилиб, аҳолининг асосий қисми юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда

та оила истиқомат қилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсам, 173 минг 560 дан кўпроқ аҳолимиз бор. Бу — жуда катта куч. Агар уларнинг бошини қовуштира олсак, бирикки йилда ҳудудимизнинг республикамиздаги энг пешқадам туманга айланиши таъин. Бизнинг ниятимиз шу.

Ҳокимнинг гаплари асосли эканига амин бўлдик. 30 та қишлоқ врачлик пункти, 57 та умумтаълим мактаби, 5 та коллеж фаолият кўрсатаётгани, 16



Жиззах вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси жамоаси

мамлакатимиздаги барча устозлар ва мураббийларни касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади.

Юртимизда устоз ва мураббийлар ҳаммаша эъзозланиб келинади. Босиб ҳар бир кишининг ҳаётида биринчи ўқитувчиси, устози бўлган.

Шу боис ҳаммаша омон бўлинг, азиз ўқитувчилар ва мураббийлар!

Савобли ишларга эш умр йўли

Абдулхай Азизовни риштонликлар тажрибали педагог ва ташкилотчи инсон сифатида ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. У кишининг умр йўли ва меҳнат фаолияти кўпчилик ёшлар учун ибратлидир.

Абдулхай аканинг ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. У ҳам бошқа тенгдошлари қатори фронтга отланди. Фашизмга қарши жанглардаги хизматлари учун орден ва медаллар билан мукофотланди.

— Урушдан кейинги йилларда ёшларни мактабга жалб этиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, қобилиятларини олий ўқув юртига юборишга алоҳида эътибор қаратила бошлангани, — дея ўз хотиралари билан ўртоқлашади Абдулхай Азизов. — Ушанда мен Жаҳонбод қишлоғидаги мактабда директор бўлиб ишлардим. Қайсидир мажлисда туман раҳбари ёшларнинг бошини қовуштирадиган етакчи тайинлаш лозимлиги ҳақида гапириб қолди. Йилгиланлар ҳали ёш бўлганим учун бўлса керак, менинг номзодимни таклиф этишди. Раҳбар ҳам менга ишонч билдирди.

Кўпчиликнинг ишончи собиқ аскарга ўзгача куч-ғайрат бағишлади. У қисқа вақт ичида туман ёшларининг ҳақиқий маслаҳатгуйи, тарғиботчисига айланди. А.Азизов етакчилигида қишлоқ болалари кундузги ва

кечки мактабларда ўқий бошладилар. Кўплаб касб эгалари тайёрланди. Олий маълумотли мутахассислар сафи кенгайди. Ёш пахтакор Камолитдин Раҳимов вилоятда биринчилардан бўлиб юксак унвонга сазовор бўлди. Етакчининг ўзи ҳам орден билан тақдирланди.

Абдулхай Азизовнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. У дастлаб хўжалик раҳбарининг ўринбосари, кейинчалик бўлим бошлиғи вазибаларида самарали меҳнат қилди. Унинг раҳбарлигида бригада бошлиғи Аҳмадали Усмонов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" фахрий унвонига деб топилди. Тожали Ниёзалиев, Соттихон Нишоннова каби уста пахтакорлар, Мамадали Турдиев, Очил Бойбобоев сингари маҳоратли механизаторлар, Комилахон Тўхтабоева, Зайнаб Усмонова каби пиллакорлар, Эргашбой Исаев, Тур-



сунали Мисралиевага ўхшаш тажрибали сувчилар эл-юрт хурматида сазовор бўлишди. Баҳор, ёз, куз ўтиб, қиш келди. Фасллар бир неча бор алмашди. Туман маориф бўлимининг мудирини ҳам, қурилишни ҳам ундай фикрни ўртага ташлади.

— 7-ўрта мактабни кенгайтириш, янги синфхоналар қуриш, олий маълумотли педагоглар сонини кўпайтиришни режалаштирганмиз. Таълим-тарбия ишларини ҳам, қурилишни ҳам ундай оладаган мактаб директорини қидираяпмиз.

Бу сўзларни эшитиб турган даврадагилар яқдиллик билан бир фикрни билдиришди.

— Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган,

касби тарих-география фанлари ўқитувчиси бўлган Абдулхай Азизов мактаб директорлигига муносиб номзод.

Ҳақиқатан ҳам Абдулхай ака директор бўлиб, кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. Қўшимча синфхоналар қурилди. Битирувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртига кириб, устозларнинг юзини ёруғ қилишди. Собиқ ўқувчилар орасидан Алимардон Абдулхамидов, Аҳмадjon Ўринов, Хадича Эргашева ва мазкур сатрлар муаллифи каби фан докторлари, фан номзодлари, илмий ва олий таълим муассасалари раҳбарлари етишиб чиқди.

Нафақага чиқиш арафасида Абдулхай ака собиқ "Риштон" хўжалиги касабаси уюшмасининг раиси лавозимида меҳнат қилди. Унинг ташаббуси билан бир қанча янги уйлар, дала шийпонлари, йўллар бунёд этилди. Пахтакор, чорвадор ва пиллачилар ишдан кейин ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Абдуқодир Жумабоев, Каромат Бойболаева, Кетмон бува Содиқов ва Фотимахон Қодирова сингари кўплаб омилкор ишбилармон етишиб чиқди.

Мухаммад ТОШБОЛАЕВ, техника фанлари доктори.

КАСБЛАР ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ёш авлод тарбиясига, хусусан, таълим тизимига катта эътибор бериб келинаётгани сир эмас. "Таълим тўғрисида" - ги қонун, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг қабул қилиниши бу соҳада сифат жиҳатидан туб бурилиш бўлди, десак янглишмаймиз.

Халқ таълими ва зирлиги томонидан ҳар ўқув йилининг энг долзарб вазифасидан келиб чиқиб номланиши ва бу асосда жуда зарур ҳамда самарали чора-тадбирларнинг белгилаб олиниши ўқувчилар фаолиятида ижобий ўзгаришлар ясамоқда. "Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш" ўқув йилида вилотимиз туманларида педагогларнинг компьютер саводхонлигини ошириш бўйича 37 нафар тренер тайёрлаш билан биргаликда институтимиздаги барча малака оширувчиларнинг компьютерлардан бемалол фойдалана олишига эришилди. "Таълим муассасаларида ижодий муҳитни яратиш" ўқув йилида эса ҳар бир малака оширишдан ўтган тингловчига кейинги малака оширишга чалинган 3 йиллик даврда ўз устида ишлаши учун индивидуал

истиқбол режа лойиҳасини тuzиб бериш ва бу асосда режани ўзининг таълим муассасаси метод биллашмасида муҳокама қилиб тасдиқлашти йўлга қўйилди. Ушбу режа асосида қилган ишларини (ўрганган адабиёт, мақолаларининг қисқа мазмунини) катта канцелярия дафтарида ёзиб бориш талаб қилинди. Бу ўқитувчининг ўз устида ишлашида ва унинг мониторингини олиб боришда жуда қулайдир. 2009-2010 ўқув йили бутун республика бўйича вазирилик томонидан "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги" ўқув йили деб номланиб, бу йўналишда ишлар аллақачон қизғин бошлаб юборилди. Хусусан, ўқув йили концепцияси ва асосий вазифалар юзасидан халқ таълими бошқарув органлари ва республика ташкилотлари раҳбарларининг Тошкентда ўқув-семинари ўтказилди. Бу семинар материаллари асосида вилотимиздан мактаб директорлари, туман халқ таъли-

ми бўлими мутахассислари ўқитилиб, зарур тарқатма ва электрон материаллар билан таъминланди. Бу эса таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим роль ўйнайди. Вазириликнинг 2007 йил 18 январдаги 16-сонли, 2009 йил 11 сентябрдаги 252-сонли буйруқлари асосида ҳар ойнинг маълум туркум фанлар ойлиги деб эълон қилиниши ҳам мазкур фан ўқитувчиларини ўз устида ижодий ишлаши, дарсни ва синфдан ташқари ишларни юқори савияда ва кўтаринки руҳда, қизиқarli қилиб олиб боришларида ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Хукуматимизнинг Осиё тараққиёти банки билан ҳамкорликдаги "ЎЗБ-1961 Таълим секторини ривожлантириш" лойиҳаси асосида масофадан ўқитишни ташкил қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам кенг қўламлидир. Ушбу лойиҳа асосида институтимизга 2 комплектадан, 5 та туманимиздаги (Шовот, Гурлан, Қўшқўйриқ, Хонқа, Хазорасп) ресурс мактабларга 1 комплектдан кимё, физика, биология, информатика, лингвон хоналарининг барча замонавий мебель ва лаборатория жиҳозлари, компьютер, нусха кўчириш каби техникаларнинг берили-

ши, биринчидан, таълим сифатини ва самарадорлигини оширди. Иккинчидан, бу тизим ишга тушиши билан узоқ туманлардан малака ошириш ва қайта тайёрлашга қатнашишга имконияти кам бўлган педагогларга қулайлик яратди. Яъни улар шу ресурс марказлар орқали масофадан ўқишга жалб қилинди. Хукуматимизнинг хорижий ҳамкорлар билан биргаликдаги бошқа қатор лойиҳалари асосида кластер мактабларни, француз, немис тилини ўрганиш каби марказларни, ЮНИСЕФ болалар жамғармасининг "Болага дўстона муносабатдаги мактаб" лойиҳаси, жаҳон банкининг "Мактаб таълимини ривожлантириш" лойиҳаси асосида олиб бораётган ишлари ва тадбирлари республикамизда таълим соҳасига нақадар катта эътибор берилаётганининг ёрқин ифодасидир. Таълим масканларида яратилган бундай шароитлар ҳар бир педагогини ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга, "бизнинг фарзандларимиз ҳеч кимдан кам эмас"лигини кўрсатиш учун тинмай меҳнат қилишга ундайди. **Баҳодир СУЛТОНОВ, Хоразм вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори. ®**

МУЎЖСИЗА ЭМАСМИ ТУМЛАР ТУРФА РАНГ

Вақт

Календарь варағи учдилар бир-бир, Жилмайиб юз очди июнь ойи ҳам. Ойнинг ой ўроғи бўлди-да зухр, Мевалар ол торғди, лабида бол таъм.

Сарин шамолларда шовуллар бугёй, Олтин доналари ойдай тўлишиб, Яйлоқ далаларда кпшпаб қўяр той, Қўзи-ю, улоқлар ўйнар олишиб.

Борлиқни кучаман кўзарим билан, Жо қилгум келади қароқларимга. Гурур дарахтининг ниҳолин эксам, Меҳр дарёсининг қирғоқларига.

Қуёш мўралаган тонглари сулув, Қушлар қасидаси қалба ҳамоҳанг. Гўнчалар лаб очган оларни, Мўъжиза эмасми гуллар турфа ранг.

Офтоб оташида жижанақ бўлиб, Қовжираган қирда ўзгача сеҳр. Баҳорда қизғалдоқ ибодли кулиб, Бугун ер бағрига сочилиши сир.

Ғузлар шоналаб тутунчақ тутди, Элу юрт ризқини тишида тишлаб. Эртани бугунга келтириб қўйди, Вақт деган миришқор тинимсиз ишлаб.

Изтироб

Сўндирдингиз, кўзимдаги ўтлар сўнди, Дилимдаги сайраб турган булбул тинди, Вужудимда бир гўл сўлди, кўнгили синди, Хазонларга айландилар жисму жоним.

Синганларни силаб-силаб ямаб бўлмас, Дил қушини қафасларга қамаб бўлмас, Сулган гулни зинҳор-зинҳор тислаб бўлмас, Мезонларга айландилар жисму жоним.

Шакарларни заҳарларга дўндирдингиз, Шу заҳарни ютмоқликка кўндирдингиз, Заҳар... заҳар... заҳар ютдим, ўлдиришингиз, Вайронларга айландилар жисму жоним.

Андишадан либос тикдим сўзларимга, Ҳаё деган парда тулдим юзларимга, Ич-ичимдан сасиз-сасиз бўзладим-а, Сўзларга айландилар жисму жоним.

Умр деган ҳовучдаги сув тўкилди, Кўзимдаги ёшлар мисол дув тўкилди, Англолмалдин баҳорми ёз, зув тўкилди, Армонларга айландилар жисму жоним.

Тонлар отиб борадир, Қушлар ўтиб борадир. Сен тўхтаган манзилдан, Йироқ йўртиб борадир.

Қимирламас вақт — манзил, Хотирада михланиб. Наҳот бу қалтис ҳазил, Ўлим боқди суқланиб.

Юракларга чўккан ғам, Кўмирдан ҳам қоралар. Тугилган қаттиқ мушғдай Тоқатимиз ёрадир.

Жувонмарг бўлдингми, айт, Қиш қиличин тилидан.

Сирларимни айтсаммикан юлдузларга

Болаликка мактуб

Адилардан гуллар териб қувнаб юрсам, Ариқларнинг бўйларидан ялши терсам, Севинчимдан тоғлар аро садо берсам, Болалигим шодлиғига ўхшамайди.

Қўчаларни гар тўдириб ўтганимда, Қувлик қилиб олмага тош отганимда, Яна соҳир сахарларни кутганимда, Болалигим қувончига ўхшамайди.

Орузларда кўкка парвоз этганларим, Қалбим сирин шёрларимда битганларим, Энди ҳаёт сўқмонда кутганларим, Болалигим соғинчига ўхшамайди.

Ой қизи

Дардларимни севиролмай қоғозларга, Сирларимни айтсаммикан юлдузларга, Дардларимни кўмиб дарё қирғонига Дилганимни гўксаммикан қушдузларга.

Шунда Арша етгаймиди дил оҳингиз, Ғамларимни севармиди қароғингиз, Сочларимга болганганда ниҳонингиз, Дийдорингиз дунёларга бермасмиди.


Мен — ой қизи осмонларни сарсон кездим, Турналарнинг изларида армон сездим, Келмадингиз, ҳижронларда охир бездим, Келсангиз гар бахт-иқболим қулмасмиди.

Шаҳноза ҲАМРОЕВА, Жижзах шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси.



Қарши шаҳридаги "Эски анҳор каналқурилиш" МЧЖ

Ватанимизнинг фидойи ўқитувчилари ва мураббийларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Инсон учун тарбия, илм сув билан ҳаводек муҳим эҳтиёж саналади. Ана шундай улуг саодатни бахшида этувчи Сиз улуг ва савобли касб эгалари-га доимий хушнудлик, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилашдан бахтиёримиз.



Устоз. Уни бир умр эъозласак, ҳамиша таъзимда бўлсак арзийди. Негаки, мурғак қалбларга умид билан илм ва тарбия деган хазиналарни жо қилувчи ана шундай инсонлар бўлмас, одам боласи бир умр ҳаётнинг "тили"ни тушунмай ўтиши мумкин.

Сариосиё тумани Шарғун шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда нафақат яқин қишлоқ-шаҳарлардан, балки қўшни туманлардан ҳам иктидорли ўқувчилар тахсил олиш илжинида келишади. Уларга ҳаётнинг энг ёруғ йўлларини кўрсатув-

Қуёшларга алишмасмиз...

чи бир қанча заҳматқаш устоз ва мураббийлар таълим-тарбия беришмоқда. — Таълимда самарага эришиш учун тарбия мустаҳкам бўлиши керак. Шунинг учун мактабимизда, энг аввало, ўғил-қизларнинг интизоми қаттиқ назорат қилинади, — дейди мактаб-интернат директори Нажмиддин Мирзаев. — Қолаверса, ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлган устозлар қўлида тахсил олаётган бу ўқувчилардан умидимиз катта. Ҳақиқатдан ҳам бу даргоҳда Ж.Убайдуллаева, Б.Фаттоев, С.Уроқов, Б.Раҳимов, Л.Бердиева, А.Аллаев каби ўз фанининг фидойилари

меҳнат қилишади. Бу устозлардан сабоқ олган бир қанча ёшлар бугун турли соҳаларда турли масъул лавозимларда фаолият юритишапти. Қолаверса, бу даргоҳни бундан бир-икки йил бурун битирганлар ҳам юртимиздаги турли нуфузли олий ўқув даргоҳларининг талабаси бўлишган. Устозлар байрами арафасида ана шундай ёшлардан бир нечтасининг дил изҳорларини ёзиб олдик. **Умид ДЎСТҚОБИЛОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетини талабаси:** — Мактабим мен учун жуда қадрли. Бу ерда энг беғубор дамларим қолган. Бола

кўнглимнинг ҳар бир инжиқликларига қулоқ тутиб, ёши катта инсонларга қилинади-ган муомала билан тарбиялаган муаллимларимдан, ҳам меҳри дарё, ҳам қаттиққўл устозларимдан чексиз миннатдорман. Чунки бугун қаерда бўлмайлик уларнинг ўғитлари, берган билимлари бизга йўлдош. **Хуршида ҲАЙИТБОБОВА, Тошкент давлат санъат институти талабаси:** — Мактаб-интернатимиз директори Нажмиддин ака Мирзаев мутахассислиги аниқ фанлар бўйича бўлса ҳам адабиётни жон-дилидан суюдиган инсон. Ўзи қалам-каш-шоир бўлгани учунми бу

масканда ёш ижодкорлар учун яхшигина адабий муҳит яратилган. Уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади. Менинг ҳам мактабда ўқиб юрган кезларимда бадиий адабиётга меҳримда тушган. Бизга катта ҳаёт йўлига йўлланма берган бундай устозларни ҳар қанча эъозласак оз. **Зоҳиджон ХОЛОВ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси:** — Биласизми, ўқувчилар пайтларим ўқитувчилар ва мураббийлар куни яқинлашганда "Қуёшларга алишмайман устозимни" сарлавҳали шеър ёзиб, устозларимга

ШОГИРДЛАР СЎЗИ


ўқиб берганимда, улар жуда хурсанд бўлишганди. Ҳатто баъзи ўқитувчиларим мендан катта шоир чиқишига ҳам умид боғлашган. Муболағасиз устозларимиз ўта самимий ва бағрикенг инсонлар. Ж.Убайдуллаева, Б.Раҳимов, С.Уроқов каби маҳоратли ўқитувчиларимиз ўргатган билимлар бизга бир умр ҳамроҳ бўлишига ишонаман. Ҳа, машаққатли касб эгалари бўлган устозларнинг ўз шогирдлари томонидан эъоз билан тилга олиниши, албатта, қувонарлидир. Зотан, дехқоннинг меҳнати кўтарган хирмонидан билинса, муаллимнинг чеккан заҳматлари натижаси унинг ўқувчилари камолотида кўринади. **Ситора ШАМСИДДИН қизи**

МАЪНАВИЯТ

МУТОЛАА

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

Таниқли шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзониинг "Сурур" (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент — 2009) китоби мақолалар, бодиалар, сафарнома, шеърлардан иборат. Китобга таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад "Шоирона ҳайрат" номли мухтасар ва мазмуни сўзбоши ёзган. Сўзбошида: "Мирпўлат Мирзо шеърят мухлислари томонидан ҳам, адабий жамоатчилик томонидан ҳам аллоқачон эътироф этилган таниқли шоир. Лекин бевосита кўлимиздаги китобдан жой олган публицистик мақолалар муаллифнинг адаблик салоҳиятидан, таржимолари — таржимонлигидан, драмаси — драматурглигидан далолат бериб турибди", деб тўғри таъриф берилган.



Шоирнинг қалб сурури

Китобни ўқиб чиққач, бу сўзларнинг ҳаққонийлигига сиз ҳам ишонасиз.

Асар завқ билан ўқилади. Мақолалар шеърларни, шеърлар таржималарни, таржималар драмаларни тўлдириб боради. Энг муҳими, ўқувчининг диққати, фикри бир нуқтада жамланиб, саҳифадан саҳифага ўтиб бораверади. Мундарижасидан кўришиб турибдики, китобнинг мазмуни ранг-баранг, мавзулари қизиқарли, мақоласида: "Биз узокни кўзлаган халқимиз. Бамисоли юки сабрдан иборат карвонимиз. Юрагимизда ажиб кўшиқ бор. У асло мунгли ёки гамгин эмас. Шуқулди, сурури кўшиқдир", деб ёзса, бошқа мақоласида: "Демократия асло бошбошдоқлик дегани эмас. У ўзига теран фалсафий руҳни, донишмандлиқни сингдирган дагина адолатли кучга айланади", деб хулоса чиқаради.

Шунингдек, у қаламининг жозибасини Президентимиз томонидан олиб борилаётган улкан ишхотларни "Ирода — тафаккурда", "Қанотли куш", "Истиқболимиз таянчи", "Қаноат фароғати", "Нурли кўприк" сингари мақолаларида теран таҳлил қилишга ҳаракат қилади. "Самарқанд маърифати", "Нурли кўприк" сингари мақолаларида теран таҳлил қилишга ҳаракат қилади. "Самарқанд маърифати", "Нурли кўприк" сингари мақолаларида теран таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Китобнинг "Таслим бўлмас ёғдулар" боби ўқувчи қалбиди ширин туйғулар уйғотади. Хар бир мақола меҳр ва катта қизиқиш билан ўқилади. "Уйғоқ юрак" мақоласида буюк француз адиби Виктор Гюго ижоди билан танишасиз. "Эврилишлар довоғи"да эса улуг қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов ижоди, шахси ва унинг "Абай йўли" эпопеяси ҳақида сўз бо-

ради. Муаллиф ҳар икки ижодкорнинг тақдири қозоқ халқи тақдири, урф-одатлари, миллий анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетганини ва улар миллат бирлигида, маънавий юксалишида улкан тарихий вазифаларни адо этганини ёрқин мисоллар орқали очиб берган. "Абай йўли"ни XX аср туркий адабиётининг ўлмас асарларидан бири ҳисоблаб, муаллиф шундай дейди: "Ириқ асар худди уммонга ўхшайди. Уни дафъатан баҳолаб бўлмайди, салмоғини ҳам ўлчаб мушкин эмас. Зеро, уммонни ким баҳолаб, ким салмоғини ўлчаёлган?" "Ўзбекистон булбули"ни ўқиганда машхур санъаткор Халима Носированинг бетакор овозини қайта-қайта мароқ билан эшитгандай бўласиз. Унинг ўлмас кўшиқлари вужудингизда акс-садо ажиб кўшиқ бор. "Беназир устоз, бетакор сиймо" мақоласида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг ноёб портрети чизилади. Унда Озод домланинг биз билмаган янги инсоний кирралари, "Жаҳон адабиёти" журналин чоп этишдаги ижодий жасорати маҳорат билан очиб берилган. Таниқли адиб Тоғай Мурод ҳақидаги "Оқ саллали тоғлар дуоси" деб номланган хотира армон кўшиғидай, гўё. Тоғай Мурод сиймоси янада ёрқинроқ, теранроқ намойиш бўлади.

Китобдан ўрин олган "Яссавий зурриёлари" туркумидagi суҳбат-мақолалар ҳам завқ-шавқ билан ўқилади. Унда туркистонлик ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишасиз. Таниқли адиб Суннатилла Анорбоевнинг ҳаётда тортган азоб-қубатлари, қийинчиликлари ўқувчи қалбини ларзага солади. Машхур санъаткор Маҳкам Муҳаммадовнинг машаққатли ижод йўли ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ёзувчи ва олим Раҳимжон Отаевнинг изтиробли йўлари, адабиёт ҳақидаги фикрлари қизиқиб билан ўқилади. Хуллас, ҳар бир суҳбат жозибали асардек ўқувчи қалбиди янги саҳифалар очади.

Мирпўлат Мирзо дунё кезган ижодкорлар тоифасидан. Китобнинг "Янги манзиллар шўъла-

сунгги йилларда драматург сифатида ҳам анча танилиб қолди. Қатор асарлари саҳналаштирилди. Китобдан ўрин олган "Қачон тонг отади?" драмаси ҳам китобхонга хузуру бағишлайди. Бугунги ҳаётимиздан олиб ёзилган ушбу драма бойлик одамларни табақаларга ажратиб юборишини ва худбинлиқни бир оила воқеалари орқали очиб берган.

Китоб беҳизига "Сурур" деб номланмаган. Унда шу кунларда ўзининг олтинчи ёшини нишонлаётган ажойиб шоир, захматқар таржимон ва самимий инсон Мирпўлат Мирзониинг Ватанга, халққа ва адабиётга бўлган чекизи муҳаббат сурурини, меҳр сурурини, самимият сурурини ушбу китобнинг ҳар бир сатрида ҳис этамиз. Энг муҳими, ушбу асарни ўқиб чиққач, у сининг ҳам сурурингизга сурур қўшади, албатта. Бу китобнинг асосий ютуғидир.

Ашурали Жўраев

ТАДБИР

"Мутолаа байрами — 2009"

Инсондаги эзгу фазилатларнинг барчаси аввало, яхши китоблардан кўчади. Шундай экан, оммавий китоб мутолааси миллатимизнинг маънавий дунёсини янада бойитишдаги вазифадир.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа байрами-2009" анъанавий анжумани бўлиб ўтди. Унда маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, китобсеварлар иштирок этишди.

Анжумани Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров очар экан, кейинги пайтда миллий кутубхонамиз

ҳазинаси илмий-адабий китоблар, дарсликлар, газета-журналлар тўплами билан бойигани ҳамда мутолаа залида китобхонлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Шу билан бирга китоб ва китобхонлик мавзусидаги айрим муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда ўзбек ва русийзабон ёш шоирлар иштирокчиларга янги шеърларидан ўқиб бергани қалбларга завқ бағишлади. Шунингдек, келга давомида китобхонлар янги дарсликлар, журналлар, илмий-оммабо адабиётлар базаси билан ҳам танишишди.

Ўз мухбиримиз

Шароф БОШБЕКОВ:

"Драматургияда ёш драматург бўлмайди"

Бугун биз халқимиз неча асрлардан буён орзу қилган хуррият замонига яшаймиз. Озодлик туйғуси қалбларни нурафшон этсада, лекин инсоний муаммолардан ҳалигача холи бўлоганимиз йўқ. Ҳўш, бугунги эркин одам ўз хуррагини еб-ичши, мол-мулкка ружу қўйиб яшаш деб биладими ёхуд ўз келажасини, халқининг камолоти ўлида сарф қиладими, деган азалий муаммолар адабиёт ва санъат олдига ҳам юксак вазифалар қўймоқда. Чунинчи, ҳар қандай даврда ҳам ижодкорлар ва санъаткорлар миллат тақдирини ўйловчи маърифат фидойилари бўлишгани барчамизга аён. Шундай экан, бугун драматургия соҳасида яратилаётган саҳна асарлари инсонга қандай маънавий озуқа бермоқда, деган табиий савол тугилади.

Таниқли драматург Шароф БОШБЕКОВ билан бўлиб ўтган суҳбатимиз мавзуси ҳам асосан, бугунги кун драматургиясининг аҳоли, ижоднинг машаққатли ва эзгу вазифалари, энг асосийси, маънавий хурлик ҳақида бўлди.



— Шароф ака, адабиётнинг асосий таъсир майдони — кўнгли ҳисобланади. Маълумки, мустабидлик тузуми даврида кўнгли тили билан сўзлашган, кўнглидагини қозоғга туширган ижодкорларга осон бўлмаган. Қаламингизга мансуб «Темир хотин» асарини олайлик, гарчи у ҳазил-мутойбага бой бўлсада, «хаммининг бошидан кечирилган дард»га ўхшайди. Шодлиқдан тугилган, қадардан яралган бу асар болалигининг билан боғлиқ хотираларни ҳам эслатиб турса керак...

— Аввало, адабиётнинг ўткнчи қонуниятларга буйсунмаслиги ҳар қандай ижодкорга чекизи қониқиш бағишлайди. Дунёда фақат адабиётгина кўнглидан тўкилган соф туйғуларни мангилка муҳрайдди. Қалбимга ижод завқини солган болалигим Булунгур туманидаги гўзал қишлоқларнинг биринчи кечган. Тугилган жойимни жуда яхши кўраман. Мустақиллик шарофати тугилган барча қишлоқларимиз шаҳардан қолтирилган даражада ўзгараётган бўлса-да, болалигимизда елиб-югурган кўнгли-қийиш, чанг-тўзон кўчалар, баъзи ҳовлиларнинг пахса деворлари ҳалигача кўз ўнгимдан кетмайди. Мен ҳам Самарқанд шаҳридаги Амир Темури ва темиралийларнинг бунёд этилган кўна иморатларга боқиб, неча кун хаёл оғушига чўмганман. Буюк астра-номик олим Мирзо Улугбек курган расадхона қаршида туриб, самодаги юлдузларни кузатганман. Шунда бу заминнинг бебаҳо таровати ва самимий, содда одамларнинг бетакор ҳислатларини ҳис этиб, улуг амирлар, олим-у, фозилларнинг бу юртга ўзгача меҳр қўйгани беҳиз асарлигини англаганман. Ёзган асарларимдаги кўпгина воқеалар ва қаҳрамонларни ҳам ана шу қишлоқда рўй берган ҳодисалардан, дилга яқин суҳбатдошларнинг фикр-атворидан олганман. «Темир хотин» драмасини ёзишимга ана шундай болалиқда бошдан кечирган хотираларим сабаб бўлган.

Кечагидек ёдимда... У пайтлари эркинликка мойил бўлган ҳар бир одамнинг ҳар қадами кузатилган, қалбидаги гапларни очик-ойдин айтган ватандошларимизнинг кўнглигини сурғун қилиб юборишган. Ушунда ҳокимият ҳамма жойда ҳозир-у, но-зиригини амалдорларнинг зороти ёрдамида билдириб турарди. Халқ ўз юртида қўрқув ва таҳликада яшаган пайтда пахта қайғуси ҳаёт-мамонт масаласидан ҳам муҳим бўлган. Агар онам далага бир кун чиқмаса, тонг саҳардан уйимизга колхознинг оддий бригадирли келиб, от устидан тушайди, онамга дўқ-пўписа қилгани, пахта иши жонига текин волидам унинг кечиршини сўраб, оёғига тиз чўккан пайтлари бўлган. Шунда отам бундай хўрликларга чидалмай, бригадирни отиб ташлайман, дея неча бор қўлига милтиқ олгани ҳанузгача кўз ўнгимдан кетмайди. Ушунда бундай камситилишлар ва хўрликларга чидалмай, қанча ўзбек хотин-қизлари ўзига ўт қўйишди.

«Темир хотин»даги Кумри образи дунёга келиб, фақат даладаш, рўзгор, бола-чақам деб урини ўтказган онамнинг тисоли бўлса, Кўчор эса фарзандлари кўп, оғир меҳнатдан эзилган, ташвиши кўп бўлса-да, беғам қишлоқдошларимнинг ёрқин қиёфаси эди. Олимжон образи халқнинг бошидан кечираётган қийинчиликларини кўриб, бепарво яшолмаган, ҳеч бўлмаса ўзининг ихтироси билан одамларни таш-

вишга солаётган муаммоларни енгиллатишга уринган маърифатли ўзбек зиёлиларининг ҳаётидан олинган. Асардаги бошқа қаҳрамонлар — Салтанат ва Алломатхоннинг ҳам ўз ўтмиши бор.

— «Эшик қозқан ким бўлди?» ёки «Тақдир эшиги» асарларингиз ҳам қулгили, лекин ўринли ибораларга бой ва ўзига хос характерга эга. Кейинги ёзган сценарийларингизда эса комедиядан кўра жиддийлик ҳукмрондек кўринадиган бўлиши нимада?

— Одам ёшлиқда муҳаббатни эҳтирос билан қўйса, ёши улгайгач, она-Ватан, меҳр-оқибат ҳақида куйлайдиган бўлиб қоларкан. Ёш ўтган сари эса бу дунёнинг сир-синоатини англаш учун Яратганининг чекизи меҳр-муҳаббат ҳақида куйлаб ёзаркан. Мени ҳам бугун руҳиятимда ва давр остонасида тугилаётган жиддий муаммолар кўнайди. Кўпгина режиссёрлар менга касабоб, яхши комедиялар ёзиб беринг, дея қўштади. Лекин уларнинг дарди бошқа, менинг дардим бошқа. Бугун ёзганларимни яна бир назардан ўтказсам, аввал сезмаган ёки тан олмаган камчиликларим энди кўзга ташланади. Бунинг боиси шўро даврида бизни институтда рус тилида ўқитишган. У пайтда Навоий, Фузулий, Румий каби улуг ижодкорларнинг ижодини эмас, рус адиб ва шоирларининг китобларини ўқиган киши даврининг энг зиёлиси ҳисобланарди. Кўпчилик русча гаплашар, русча фикрлаб ёзарди. Ўзим ҳам биринчи асарим «Тақдир эшиги»ни русча фикрлаб, ўзбек тилида ёзганман. Ҳозир ўша кўлэзмага назар ташласам, асарда ўзбекча лутфга, ҳикматларга бой иборалар ва нақллар ишлатилмаган, лекин сабаб жумлалардаги гализликларни кўриб, уялиб кетаман. Лекин «Эшик қозқан ким бўлди?» асарининг бадиий савияси ўзимни қониқтиради. Унда даврининг гапи ва муаммоларини жиддий очиб беришга ҳаракат қилганимда хурсанд бўламан.

Ижодий фаолиятимда Машраб Бобоевнинг ижоди катта роль ўйнаган. Ёзганларимни устозинг қўлига тутсам, эринмасдан ўқиб, менга фақат камчиликларини айттарди. Отуқларини эса ортимдан бошқа давраларда гапириб, орамиздан яхши драматург чиқаяпти, уни қўллаб-қувватлаш керак, деган фикрларни ҳам билдириб кўяркан. Ўша пайтда ижод эркинлиги ҳақида гапиришнинг иложи бўлмаसा-да, лекин ижодкорларнинг виждони уйғоқ эди. Қаҳрамонларининг ҳаёти ва қисматига ҳеч ким лоқайд бўлмаган. Ўзим ҳам ижодга шўнғиганимда, қалам билан эмас қалбим билан ёзишга ҳаракат қиламан. Чунки саҳнага кўнган асардаги ҳар бир сўз маълум вақт томошабинларнинг қалбиди ўз ҳаётини, тақдирини, хизматини ўтайди.

— Сизни адабиёт билан баббаравар театр ҳаётига ҳам яқинсиз, десак янгилашмаймиз. Ҳозир барча театрларнинг чинакам саҳна асарларига ва томошабинга ташналиги шундоққина сезилиб турибди. Шунинг учун (замонавий ўзбек кассабоп фильмлар мисолида) ҳам мазмуни кўпроқ қизиқарли воқеаларга асосланган асарларга мурожаат қилинмоқда...

— Талант — халқ мулки, деган гап бор. Бу ҳақ гап. Халқимиз буюк талантларни сувгани учун ҳам хурриятли кунларга эришди. Энди бизни кундалик ташвишлар «тегирмони» янчиб, эзиб ташламаслиги учун адабиёт ва санъатнинг куч-қувватига суяни-

шимиз керак. Яхши асарларнинг эса ҳар доим харидори топилади. Ҳақиқий китобхон ва санъатсевар ҳозир ҳам китоб ўқишни ёки театрга тушишни қанда қилмайди. Аммо тан олиб айтиш кераки, бугун давримиз талабига жавоб берадиган яхши пьесалар театр саҳнасида кам кўринаяпти. Бу аҳвол театр репертуарининг шаклланишини қийинлаштирмоқда. Адабий жараёни мунтазам кузатиб бораман. Кейинги йилларда ёш драматургларнинг номи кўзга кам ташланмоқда. Театр драматургиясининг оқсаётигани ҳақида кўп гапирилаяпти. Чунки кучли характерларни кўрсатувчи спектакллар йўқ. Экрانشтириллаётган пьесаларимиз ҳаётдан тўғридан-тўғри кўчирилган воқеаларга асосланган бўлиб қолаяпти. Ахир, бадиий асар адабиётнинг барча талабларига жавоб бериши керак. Ҳамма нарса жўн тарзда ҳаётий қабул қилверсақ, унда кино, театрининг нима кераги бор. Дунёни дераза ортидан ҳам кўриб, томоша қилиш мумкин-ку. Аммо ҳақиқий ижод, чинакам адабиёт ва демакки, ҳақиқий кино ва театр дегани ҳам дунёни шунчаки деразадан қараб томоша қилиш дегани эмасдир. Ҳа, тўғри ижод жараёнида ёш ёзувчи, ёш шоирлар бўлиши мумкин. Лекин драматургияда ёш драматург бўлмайди. Ижодкор пьеса ёзиш учун адабиётнинг маълум турларида тажриба орттиргандан кейин драматургияга кўл уриши лозим, деб ўйлайман. Ўзим ҳам биринчи пьесамни 30 ёшимда ёзганман. Шунинг учун асарларини театрга тақдим этишга журъат толган ижодкорларга ёш деб баҳо бермасликларини хоҳлардим. Улардан айни пайтда инсонни камолотга етказадиган пухта асарларни куттиш керак. Чунки ҳар қандай ёзувчининг ёзганлари келажак йўллаган мактуби бўлади. Унда орзу-умидлари муржасам.

Демокриманки, қуруқ гапдан кўра, масалани амалий ҳал қилишга ўтиса яхши бўларди. Масалан, Ёзувчилар уюшмасида ёш драматургларни тайёрлаш масаласига ҳар доим алоҳида эътибор бериб келинган. Уюшма атрофида ҳар доим пьеса ёза олувчи моҳир носир ва шоирларнинг йиғилиши ўтказилади. Энди бундай адабий мулоқотлар театрларда ҳам ўтказилса, режиссёрларимизнинг драматурглар билан жиддий ва узлуксиз ишланиши имкон тугиларди. Ахир, яхши пьесалар кўпгина театрининг ўзида драматург, режиссёр, адабий эмақдош, актёрлар ҳамкорлигида яратилади. Очиги, ҳозир бизни режиссура муаммоси ташвишга солаяпти. Республикада театрларда режиссуранинг умумий савияси пайсыйиб бормоқда.

— Кўпгина режиссёрлар билан суҳбатлашганимизда театрлар муносиб пьесалар олмаётганидан ташвишланишадими. Аммо кўпга ёзувчи, журналистлар, ҳатто ижодга дахлсиз кишиларнинг ҳам сценарий ёзиб, «асарини саҳналаштиришга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлаёмиз...

— Энг аввало, саҳна асарларининг бадиий савияси юксак бўлиши керак. Аммо тўғри айтднгиз, кейинги пайтда, «тишсиз», «тироқсиз» пьесалар кўпайиб кетаётгани сир бўлмай қолди. Баъзи ҳолларда эса соф драмада тўғри келган қўшиқларни тикиб, музикали драмага айлантиришга уриниш ҳоллари кўп бўлаяпти. Шу боис театрда саҳналаштирилаётган айрим асарлар жанр талабига жавоб берамайди. Масалан, кино санъа-

тида авваллари трагедия, комедия, сиёсий сатира деган турлар бўларди. Ҳозир экранлаштирилаётган фильмларнинг кўпчилигида ана шу ранг-баранглик етишмаяпти. Бир неча диди паст, савиясиз режиссёрлар сценарийдан ёки Фарб киноси йўлидан бориб, бошқача усул билан фильм ишлаб, томошабинларнинг эътиборини қозонмоқчи бўлаяпти. Шунинг учун тақдим этилаётган «санъат асарлари»нинг мавзуси бир хил бўлиб қолмоқда.

Менимча, ҳар бир ёзувчининг ўз дунёси, руҳияти бўлиши керак. Шунда ёзганларини китобхон ўз нуқтаи назари билан таҳлил қилади. Кейин драматурглар драматургияни, танқидчилар эса адабиётни ҳам, спектаклни ҳам таҳлил қилишса, саҳнадаги ҳар бир ижодий иш ўз баҳосини топарди.

Мени яна саҳнадаги адабий тил муаммоси жуда ташвишга солади. Актёрлар ўйнаган ролларида хоҳлаган шевада гапиришади. Ахир Тошкентда тугилган Гафур Фуломдек академик шоир ҳам адабий суҳбатларда «мен», «сен» деб гапиради. Ёки Аброр Ҳидоятлов, Наби Раҳимов каби улуг санъаткорлар ҳам доимо саҳнада, интервюларида адабий тилда сўзлашган.

Мустақиллик шарофати тугилган тилимизга алоҳида эътибор берилиб, давлат тили қабул қилинди. Энди лугатини мизни қуруқ, маънавий юки йўқ, ажабий сўзлар билан эмас, маънога бой ўзбекча сўзлар билан бойитишни ҳам ўйлашимиз керак. Лисонимизни ўзимиз мукаммал билмасак ёки хурмат қилмасак, қандай қилиб бошқалардан ўзбекча гапиришни талаб қиламиз. Бу борада театр драматургиясида филолог-олимпиклар иштирок этиши фойдаланиб, деб ўйлайман. Масалан, захматқар олим Озод Шарафиддинов адабиёт-шуносликдан ташқари театр танқидчилиги билан ҳам шугулланган.

— Авваллари театр саҳналаридан жаҳоннинг классик асарлари тушмаган бўлса, бугун ўзбек муаллифларининг асарларини саҳналаштиришга бўлган иштиёқ ортиб бормоқда. Шу маънода бугунги санъат, хусусан, драматургия асарларини муаммоларининг қайси мавзу ёки муаммоларини акс эттириш керак, деб ўйлайсиз?

— Бир пайтлар Чўлпон забун қўнглига қарата: «...ки сен ҳам хур туғулган сен», деб хитоб этгани қалбимни ўртаганди. Нега асрлардан бери халқимиз бошидан қанча жаҳолат, зўравонлик ва турғунликларни кечирди. Мустақилликдан олдин яқинларимиздан бирортаси қазо қилса, боболаримиз ётган жойга дафн этишга ҳам рухсат берилмасди. У даврда олти миллион «оқ олтин» учун курашганлар, бўз ерларни ўзлаштирган шахслар «қаҳрамон» деб ҳисобланган.

Бугун эса кино, театр санъатида ижод эркинлиги бор. Бу жараёнга ҳеч ким сукулиб қирмайди. Ана шундай имкониятдан унумли фойдаланиб, яхши асарларни томошабинларга тақдим этиш мумкин. Бугун драматурглар қаторига Эркин Аъзамов ва бошқа истеъдодли инсонлар қириб келмоқда. Уларнинг асарлари мустақилликнинг меваси сифатида томошабинлар ва мунаққидлар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Лекин бугунги кун драматургиясининг мавзулар қўлими торайиб қолгандек туюлади. Ваҳоланки, турли мавзуларда ёзиш учун бизда манбалар кўп. Масалан, жадидчилик, мустақиллик даври қаҳрамонлари ҳали тўлалигича очиб берилмаган. Кейин муомтоз асарларга ҳам кам эътибор бераёмиз. Хусусан, ҳазрат Навоийга мурожаат қилмай қўйдик. Халқимизнинг етук ёзувчилари Муқимий, Ойбек, Гафур Фулом, Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом асарларига ҳам кам эътибор бераёмиз.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

НАВОИЙ ҲАМ ЭЪЗОЗЛАГАН СИЗНИ

Устоз. Дилларга нур баҳи этади бу сўз. Алифбодан сабоқ берган илк устозини ёдга олган ҳар бир шайхонли одам бойлик отидан ҳам, амал отидан ҳам, ҳурмату иззат отидан ҳам ерга тушади. Боиси уни ердан юксакликка кўтарган зот — шу устози бўлади. Одам қайси касбини эгаллашдан қатъи назар ўқимай, ўрганмай, ўзлигини англаб етмай туриб, камолот пиллаоясига чиқиши мушкул. Шу боис азал-азалдан асл устозлар кўнгиллар тўридан тушмаган.

Устоз — бу сўзни дилингизда такрорласангиз кўзингизда меҳр кўринади. Кўнглингизнинг беғубор ойнасида бу заҳматкаш инсон юз очса, беихтиёр болалик боғининг меҳрибон боғбони сизга ҳикмат булоғидан сув тўтган ишларни эслаб энтикасиз, қалбингиз қалқийди.

ган маърифатпарвар улғ аждодларнинг авлодларимиз. Ҳақониди миллат маърифати учун жонини тиккан Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби ўнлаб болаларимизнинг хайрли ишлари, фидойиликлари бу йўлда ибрат истаган, жасорат истаганлар учун дастуриламал бўла олади.

Мустақиллик бугун мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларнинг қаддини сарбаланд қилди.

Истиклол муаллими — кўксиди умиди,

хунармандлик орзусида юрган ёшлар йўлидаги йўлчи юлдуз, эртанги юрт эгалари катта қарвонининг сарбонидир.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этамизки, мамлакатимиз ёшлари устозлари ишончини оқлашмоқда. Уларнинг жаҳон спорт ареналарида, сәнъат оламида, фан олимпиадаларида эришаётган муваффақиятлари, юрт байроғини бошлари узра хиллириб, голиблик шохупаларида мағрур туришлари барчамизга чексиз қувонч бағишламоқда. Барча-барчасининг замирида эса ёшларимизни соғлом, ҳар томонлама баркамол бўлиб улгайишлари учун ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ётибди. Зеро, дунёнинг ҳеч бир давлатида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби саломатлик, маърифат, коммуналлик, жасурилик касб этувчи бетакрор тизим йўқ.

Шоирларнинг шоири ҳам сўзни улардан ўрганган. Илк шеърни устозидан эшитган. Юртимиздаги барча муҳтарам устозларимизни байрамлари билан қутлаб, бир шеъримни уларга ҳавола этаяман.

*Айтсам, баҳор яшар экан куз учун,
Яшасиз болдек ширин сўз учун,
Навоий ҳам отдан тушган сиз учун,
Миллатимиз қарогисиз, устозлар,
Маърифатнинг чирогисиз, устозлар.*

*Ҳар боланинг қулусидан яйраган,
Ҳур бўлбўлсиз, ўзбек бўлиб сайраган,
Меҳр-булоқ қалбингизда қайнаган,
Садоятнинг сўрогисиз, устозлар,
Яхшиликнинг ёногисиз, устозлар.*

*Диллар ичра нур излаган инсонсиз,
Нақибандий боғларига боғбонсиз,
Амир Темур таъзим қилган сарбонсиз,
Зиё мулкин байрогисиз, устозлар,
Кўнглиларнинг ардогисиз, устозлар.*

*Бир кўзгусиз юзлариди доғи йўқ,
Шоирларнинг сиздан юксак тоғи йўқ,
Олов ўчса, келиб сиздан сўрар чўғ,
Тафаккурнинг ўчоғисиз, устозлар,
Дил самосин чақмоғисиз, устозлар.*

*Онам берган тишини бурро қилган зот,
Ватан сўзини дилга имло қилган зот,
Авлодларга жонин фидо қилган зот
Сиз рост сўзининг салмоғисиз, устозлар.
Сиз офтобнинг қўмоғисиз, устозлар.*

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.



кўзида ишончи гуллаб турган жафокаш инсон. Дарҳақиқат, сўзида қудрати уфуриб турган ўқитувчи — ўз ўқувчисининг суянган тоғидир. «Илм нонга ўхшайди, ўн ботмон нонни кўтариб юриш осон, уни ейиш қийин», дейди улугларимиз. Фарзандларимиз қалбига, онгу-шуурига зарра-зарра, мисқол-мисқол илм нуруни синдириш, она заминга, Ватанга муҳаббат уйғотиш, халқларвар, ватанларвар қилиб тарбиялаш ҳар бир ўқитувчидан ўта фидойиликни талаб қилади. Қолаверса, ўз фанининг сирин асрорини яхши билган, айтадиган сўзи ҳикматга йўғрилган, касбини жону дилидан севган ўқитувчи синфга ўз тўлқини билан қиради, қадамда чақмоғи, юзиди офтоби бўлади. Аксинча бўлиши эса унинг шаънига ярашмайди.

Истиклол муаллими — бу илм истаган,

ТОШКЕНТДА МУСОБАҚА БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақалари бошланди. Унда қўшамизнинг йигирмадан зиёд давлатидан икки юз нафарга яқин спортчи қатнашмоқда. Мазкур нуфузли тадбирда мамлакатимиздан ўттизга яқин спортчи иштирок этмоқда.

Мусобақа 1 октябрга қадар давом этади.

БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Ёш биятлон бўйича Германияда давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Руслан Носиров ва Анузар Юнусов олтин медални қўлга киритишди.

Шу ўринда биятлон ҳақида икки оғиз сўз. У оммабоп спорт турларидан бири бўлиб, унда иштирок этаётган кишилар гоятда қизиқарли чанги пойгаси ва мерганликда ўз маҳоратларини синаб кўради. Биятлон XVIII асрда спорт тури сифатида шаклланди. 1767 йилда Норвегия ва Швеция давлатлари чегарасида норвегиялик чангичи мерганлар ўртасида биринчи мусобақа бўлиб ўтди. Олимпиада ўйинларига эса биятлон 1924 йилда киритилди.



Яна чемпионат тўғрисида айтадиган бўлсак, чемпионатда эркаклар ўртасидаги спринт беллашувариди иккинчи ўринни эгаллаган Р.Носиров олти километрга ўтказилган кросс мусобақада ўз кўрсаткичларини яхшилаб олди. Моҳир спортчимиз асосий рақибли — россиялик Алексей Катренко ва Александр Качановский ортда қолдириб, маррага биринчи келди. Шундай қилиб, Р.Носиров ўз фаолияти давомида Осиё, Европа ва жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган биринчи ўзбекистонлик биятлончи бўлди.

Ўтган йили Франциядаги жаҳон чемпионатида иккита олтин медалга сазовор бўлган истеъдодли спортчимиз А.Юнусов Германиядаги галабасидан сўнг учинчи марта жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. У беш километрга ўтказилган кросс баҳсларида россиялик Иван Крюков ва чехиялик Лукаш Криштайнни ортда қолдириб, маррага биринчи келди.

ТЕННИСЧИ ФАОЛИЯТИНИ ЯҚУНЛАМОҚЧИ

Аргентиналик Серхио Ройтман жорий йилда теннисдаги фаолиятини яқунламоқчилигини маълум қилди. Бу ҳақда профессионал теннисчилар ассоциациясининг расмий сайти маълумот тарқатди. Ҳозирда Серхио Ройтман жаҳон теннис рейтинг жадалиди 124-ўринни банд этган.

Ўттиз ёшли Серхио Ройтманнинг айтишича, унинг бугунги жисмоний ҳолати юқори савиядаги мусобақаларда иштирок этиш учун панд беради. У Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида ўтказилган теннис турниридан кейин ўз қарорини ҳаммага ошкор этди.

— Сездимки, мен учун аллақачон теннис билан хайрлашиш вақти келган, — дейди Серхио Ройтман журналистларга берган интервьюсида.

Серхио Ройтман ўн тўрт йиллик фаолияти давомида икки марта нуфузли турнирларда зафар қозонган ва 1 млн. 287 минг 217 доллар ишлаб олишга эришган.

«ЛИВЕРПУЛЬ»ГА ХАРИДОР

Яқинда Саудия Арабистони шаҳзода Англиянинг «Ливерпуль» футбол жамоасини сотиб олмақчи эканини айтиб ўтди. Бу ҳақда www.goal.com сайти ахборот тарқатди.

— Клубнинг 50 фоиз акциясини сотиб олмақчиман, — дейди шаҳзода журналистлар билан мулоқот чоғида. — Ҳозирда клубнинг қарзи 245 млн. еврони ташкил этади. Мен эса ушбу жамоага 250-300 млн. инвестиция йўналтирмоқчиман. Бу борадаги музокаралар тез орада якунига етади.

ВИТАЛИЙ КЛИЧКО ЯНА ЗАФАР ҚОЗОНДИ

Украиналик машҳур чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко америкалик боксчи Крис Арреолага қарши жанг ўтказиб, оғир вазнда WBC чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди. Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилган мазкур учрашув 10 раундга келиб тўхта-тилди. Бутун беллашув давомида Виталий Кличконинг зарбаларини қабул қилиб олган Крис Арреола қийин аҳволга тушиб қолди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, америкалик боксчи жангин давом эттиролмади.



Шундай қилиб, украиналик спортчи ўзининг навбатдаги зафарини нишонлади.

Азим РҮЗИЕВ тайёрлади.

“ХАЛҚ УЧУН НОНДАН СЎНГ МУҲИМИ МАКТАБДИР”

ТАФАККУР

- Дунёда алмадан бошқа нажот йўқи бўлмаган. **Имом ал-БУХОРИЙ**
- Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли бўлишига бош сабаб алмадир. **РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИН**
- Эскини ўлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонга тарбиячи бўла олади. **КОНФУЦИЙ**
- Ўқув қайда бўлса улуғлиқ бўлар. Билм қайда бўлса буяқлиқ бўлар. **ЮСУФ ХОС ХОЖИБ**
- Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: исмеълолга, алмага ва машққа. **АРАСТУ**
- Аваллига биз болаларимизга ўргатамиз, сўнгра ўзимиз улардан ўргатамиз, кимки буну хоҳламас экан ўз авридан орқада қолади. **Я.РАЙНИС**
- Билм ва маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим. **АБУ НАСР ФАРОБИЙ**
- Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар. **ДЕНИ ДИДРО**
- Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаса, аввало унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим. **В.ДАЛЬ**
- Ҳаёт бўлса биринчи масала — мактаб масаласидир. **ФИТРАТ**
- Халқ учун нондан сўнг муҳими мактабдир. **ЖОРЖ ДАНТОН**

Фаргона вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси жамоаси

Ушбу баъди ушбу йилнинг маърифат заҳматкашлари бўлишига сабаб устозларнинг, у заҳматкашларини ўқитиб, таълим ва тарбиялашлари учун баъди кўнглини, шунинг билан сарфларини қўйиб, нибозини таълимга.

БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ КИРИШИ ТАЪҚИҚЛАНАДИ

Ҳусан СОДИКОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари икжодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАКУЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДҮСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЕ, Назим КАРИМОВ, Тулан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Хосия КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Тахририятга келган хатларга ўз ва жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Қоракалпоғистон Республикаси — Қашқадарь — 8-375-310-17-73
- Андижон — 8-374-250-90-39
- Бухоро — 8-365-592-85-02
- Самарқанд — 8-366-233-62-12
- Сурхондарь — 8-372-366-99-21
- Сирдарё — 8-376-370-12-01
- Фарғона — 8-373-225-80-58
- Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 10494 Буюртма — Г-826 123 3